

Эридан раъбат олган аёл...

Аёл номини эшитганда нималарни ҳис қиласиз? Меҳрибон онангизнинг қўллари оҳиста бошингизни силаганини? Опангиз меҳр билан тайёрлаган ширин таомлар таъминини? Балки синглингизнинг шодон кулгиси аксланар нигоҳингизда?! Модомики, шундай бўлса, демак, қалбингиз меҳрға тўладир.

Ислом динида аёлларнинг туғилганидан то умрининг охирига қадар саодатли яшаши учун барча асослар берилган. Хусусан, Нисо сурасининг 19-оятда: **“...Улар билан тотув турмуш кечирингиз. Агар уларни ёмон кўрсаларингиз, (билиб қўйингки,) балки сизлар ёмон кўрган нарсадан Аллоҳ (сизлар учун) кўпгина яхшилик пайдо қилиши мумкин”,** дейилади.

Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Жаннат оналар оёғи остидадир”** (Имом Кузоий ривояти), деб марҳамат қилганлар.

Демак, жамиятга ахборот етказадиган ҳар бир соҳа борки, одамлар қалбига онага ҳурматнинг қандай бўлиши кераклигини кўрсатиши ва унинг юксак ажри борлиги ҳақида хушxabарлар бериши лозим. Зеро, онага қилинган яхшиликнинг мукофоти кечиктирилмасдан берилади. Дарҳақиқат, онанинг дуоси сабаб фарзандларнинг мушкуллари осон бўлиши айни ҳақиқат.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Сизларнинг энг яхшиингиз ўз аҳли аёлига нисбатан яхши муносабатда бўлганидир. Мен эса ўз аҳлимга сизлардан кўра яхшироқ муносабатдаман”,** деганлар (Имом Термизий ривояти).

Бу эса, эрнинг ўз аёлини моддий таъминлаш билан чекланмайди, маънавий жиҳатдан ҳам эҳтиром қилиши зарурлигига оид таълимотдир. Яхши муносабат кўрган, эридан эътибор ва раъбат олган қайси аёл бахтсиз бўлади?! У эридан кўрган меҳр-муҳаббатини бир неча бора ортиғи билан атрофдагиларга улашади. Шунинг

учун бундай муҳитда улғайган фарзандлар олим, қори ва буюк шахслар бўлиб етишадилар. Эртага улар ҳам ўз оилаларида ана шундай муҳаббатни шакллантиришади.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясида аёл-қизларимизнинг ҳуқуқлари алоҳида эътиборга олинган. Жумладан, хотин-қизларнинг ўқиш ва ишлашларида, хусусан, ҳомиладор ҳамда ёш болали аёлларнинг фаолият юритишларида кенг имкониятлар яратилиши, ёлғиз оналарнинг уй-жойли бўлишларида энг биринчи ўринда кўмак берилиши белгилаб қўйилгани қувонарли, албатта.

Орамизда “Биз аждодларимиз билан фахрланамиз, лекин уларга ўхшаган олимлар ҳозир нега чиқмаяпти?” дейдиганлар бор. Менинг фикримча, ана шундай фарзандларни тарбиялайдиган оналар ҳақида қайғуришимиз керак. Аёл зўравонликка учрар экан, келин сифатида хизматкор, хотин сифатида “иккинчи даражали шахс” ва қиз туғилгани сабабли “эътиборсизлик, хорлик” кўрса, миллат фарзандларининг тақдири ўзгаришсиз қолаверади. Оқибатда эса аёлларнинг ўз жонига қасд қилиши, номусини сотиши ва аёллик фазилатларини йўқотиши кўпаяверади.


Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Бас, аёллар ҳақида Аллоҳдан кўрқинглар! Чунки сиз уларни Аллоҳнинг омонати ила олгансиз”,** деганлар (Имом Муслим ривояти). Шундай экан, аёллар омонат каби асралиши, аёлга зулм қилганлар эртага бунинг жавоби ҳам борлигини унутмасликлари лозим.

Камола АДАШБОЕВА,
журналист



Мундарижа

Эридан рағбат олган аёл.....	1
“Қулоқсиз” болалар кўпайиши нимадан?.....	3
Ўлимдан кейинги надоматлар.....	4
Тушкунлик: сабаблар, муолажалар.....	6
Фотима бинти Асад розияллоҳу анҳо.....	8
Yarim oyda Zayd yahud tilin o'rgandi.....	10
Ҳар жойда адоват қўзғатувчилар.....	11
Қуръонни ўқиш яхши, унга амал қилиш муҳимроқ.....	12
Эҳромга кирадиган аёл ҳайз кўриб қолса.....	14
Сабрсизликми ё меҳрсизлик?.....	16
Жаҳлдор онанинг қизи – асабий.....	17
Мазҳаббошимизнинг Усмон Баттийга мактуби.....	18
Фотима Нисобурия.....	19
Меҳрнинг кучи.....	20
Аёлларнинг энг яхшиси.....	21
Қизнинг валийси кимлар?.....	22
Жаннат вожиб бўлди.....	23
Ўкинма, болам.....	24
Каптарнинг ботил ҳаракатлари.....	25
Оила – саодат манбаи.....	26
7 муҳим қоида.....	27
Ғам-андуҳни кетказишнинг 27 йўли.....	28
Ҳар ишда ҳикмат бор.....	29
Ўгай она.....	30
Микротўлқинли печ таъсири.....	32



“Қулоқсиз” болалар кўпайиши нимадан?

Ислом дини инсонларни ҳалол касб қилишга чорлайди. Ҳаром луқмадан ҳазар қилишга, ундан узоқ юришга тарғиб этади.

Афсуски, бугунги кунда айримлар бировнинг ҳақидан қўрқмаяпти. Савдода, хизмат кўрсатиш соҳаларида, қарз, омонат масалаларида бундай ҳолатлар кўп учрайди. Бу ишни қилаётганлар ўзларини жаҳаннамга йўллаётгани камдек, ўз оиласини ҳам гуноҳга шерик қилиб, уларга ҳаром луқма едириб, зулм қилиб қўйишмоқда.

Аллоҳ таоло ҳаромнинг оқибатлари тўғрисида Нисо сурасининг 29–30-оятларида бундай огоҳлантирган: **“Эй иймон келтирганлар! Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг! Ким буни тажовузкорлик ва зулм ила қилса, албатта, уни оловга киритиб, куйдирурмиз. Бу эса Аллоҳга осондир”**.

“Бировнинг молини ботил йўллар билан ейиш” деганда савдо-сотикда алдаш, тарозидан уриб қолиш, халқ бошига иш тушган мушкул кунларда маҳсулотларнинг нархларини сунъий кўтариб олиш, қимор ўйнаш, қарз олиб, узоқ муддат қайтармасдан юриш, мусулмон биродарининг қийин вазиятга тушиб қолганидан фойдаланиб, унга зулм қилиш ва яна бошқа кўплаб ишларни санаб ўтиш мумкин.

Каъб ибн Ужра розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: **“Эй Каъб ибн Ужра,**

ҳаромдан ўсган гўшт (жасад) жаннатга кирмайди” (Имом Ибн Ҳиббон ривояти).

Бу борада аёлларимиз ҳам илмга эга бўлиб, ниҳоятда хушёр бўлишлари нафақат ўзлари, балки келажак авлод учун муҳимдир. У эрини ишга кузатаётиб, салафи солиҳларнинг аёлларидек: **“Бизга ҳаром ризқ олиб келманг, очликка чидармиз, аммо дўзах ўтига асло тоқат қила олмаймиз”**, деб эслатишлари керак. Ҳомиладор ва эмизикли аёл, айниқса, эҳтиёт бўлиши лозим. Зеро, бу унинг фарзандига таъсир қилмай қўймайди. **“Қулоқсиз”** болаларнинг кўпайиши оналарнинг бепарво, ҳар нарсани еб-ичишларига ҳам боғлиқ.

Абон ибн Абу Айёш розияллоху анҳудан ривоят қилинишича, Анас розияллоху анху қуйидагиларни айтганлар: «Набий соллаллоху алайҳи ва салламга: **“Ё Расулуллоҳ, Аллоҳдан сўранг, мени дуоси қабул бўладиганлардан қилсин”**, дедим. У зот: **“Эй Анас, касбингни пок қилгин, дуоинг қабул бўлур. Чунки бир одам бир луқма ҳаромни оғзига солса, қирқ кунгача дуоси ижобат бўлмайди”**, дедилар» (Имом Дайлабий ривояти).

Демак, ҳаром луқма бизни бу дунёда ҳам, охирада ҳам ёмон аҳволга солиб қўяди. Ҳалол бўлмаган егулик сабаб Аллоҳнинг раҳматидан, мағфиратидан бенасиб қолиш мусулмон учун энг катта фожиадир.

Муҳаммадқодир РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
талабаси



بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ
وَيَوْمَ يَعِضُ الظّٰلِمُ عَلٰی يَدَيْهِ يَقُوْلُ يَا لَيْتَنِيْ اَتَّخَذْتُ
مَعَ الرَّسُوْلِ سَبِيْلًا

Аллоҳ таоло огоҳлантиради: «У кунда золим икки қўлини тишлаб: “Эй воҳ! Пайғамбар ила бир йўлни тутганимда эди!” дер» (Фурқон сураси, 27-оят).

Бу оят Уқба ибн Абу Муайд ҳақида нозил бўлган. У яқин дўсти Убай ибн Халафнинг сўзига кириб, иймонидан воз кечади.

Мазкур оят махсус шахслар ҳақида нозил бўлган бўлса-да, барча золим ва иймонсизларга тааллуқлидир.

Уни тафаккур қилар экансиз, ояти карима осий банданинг қиёматдаги надоматини нақадар таъсирли усулда баён қилганига гувоҳ бўласиз. Оятдаги “**икки қўлини тишлаб**” жумласига эътибор беринг. Одатда, нутқни таъсирли қилиш мақсадида сўзлар кўчма маънода қўлланилади.

Оятдаги “**икки қўлини тишлаб**” жумласини қуйидаги маъноларда тушуниш мумкин:

1. “Икки қўлни тишлаш” ҳасрат-надомат маъноларини англатиб, киноя ва ўхшатиш тарзида қўлланилган. Зеро, бирор нарсадан қаттиқ пушаймон бўлиб, ҳасрат ва ғазаб қилган инсон надоматининг кучлиликдан қўлларини тишлаб қолади.

2. Шунингдек, “икки қўлни тишлаш” жумласи ҳақиқий маънода қўлланган бўлиши ҳам мумкин. Яъни, (Пайғамбарга эргашмаган) банда ўзига ўзи зарар бериш билан азобланиши табиий. Осий бандалар жаҳаннамга ўтин бўлиб азоблангани каби у ҳам ўз қўлини тишлаб, ўзига ўзи азоб беради. Зеро, Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда бундай

дейилган: “Уқба қиёмат кунини надоматдан қўлларини тишлаб, ўз гўштини ейди, ҳатто суюғигача етиб боради”.

Дарҳақиқат, Пайғамбаримиз кўрсатган йўлдан бормаслик қиёматдаги қаттиқ пушаймонликка сабаб бўлади. Шу ўринда савол туғилиши табиий: “Пайғамбаримизнинг йўли қандай йўл?”

Бу саволга Абул Баракот Насафий ва Абу

Лайс Самарқандий раҳимахумаллоҳ бундай жавоб беради: “Пайғамбар, яъни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўли – нажот сари элтувчи йўл! Жаннат йўли, иймон йўли, ҳидоят йўли, Исломи йўли!”

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашмаган инсоннинг қиёматдаги “Эй воҳ! Пайғамбар ила бир йўлни тутганимда эди!” деган орзулари рўёбга чиқмайди. Бу орзунинг рўёбга чиқишини истасангиз, ҳали кеч бўлмасдан шу дунёнинг ўзида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини маҳкам тутинг! У зотнинг йўлидан оғишманг! Бузғунчи ва фитначи инсонларнинг сўзига кириб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлларидан воз кечманг!

Уқба ва унинг яқин дўсти Убай ҳақида бежиз тўхталиб ўтмадик. Чунки золим дўстлар ҳам қиёматда ушалмас орзуларга сабабчи бўлади.

“Эй воҳ! Фалончини дўст тутмасам эди!” (Фурқон сураси, 28-оят).

Муфассирлар мазкур оятнинг сабаби нузули ҳақида қуйидагиларни ёзадилар: «Баъзи таъвил аҳлининг айтишича, бу

Ўлимдан кейинги надоматлар



оят Уқба ибн Абу Муайд ҳақида нозил бўлган. Уқба сафардан қайтганида ўзи яхши кўрган маккаликларни чақириб, зиёфат уюштирар эди. У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ўзига дўст тутар ва у зот билан суҳбатлашишни яхши кўрар эди. Ўз навбатида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам у таклиф қилган зиёфатга борар эдилар.

Бир куни Уқба сафардан қайтгач, одатига кўра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни меҳмонга чақирди. Набий алайҳиссалом зиёфатга бордилар, аммо таомланишдан бош тортдилар ва: **“Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва мен Аллоҳнинг Расули эканимга гувоҳлик бермагунингча таомингдан емайман”**, дедилар. Арабларнинг одатига кўра, агар бирор киши зиёфатдан таомланмай чиқиб кетса, мезбон учун бу жуда уятли ҳол ҳисобланар эди. Уқба Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бир неча бор ялиниб, таомга таклиф қилди. Аммо у зот таомга қўл урмадилар. Шунда Уқба гувоҳлик бериб, шаҳодат калималарини айтди.

Бундан хабар топган Убай ибн Халаф Уқбанинг олдига келиб: “Муҳаммадга мойил бўлиб, унинг таклифини қабул қилдингми?” деди ва Уқбани койиди. Чунки Убай Уқбанинг энг яқин дўсти эди-да. Натижада Уқба дўстининг гапига кириб, айтган сўзларидан қайтиб, динидан воз кечди...”

Абул Баракот Насафий раҳимахуллоҳ бу оят тафсирида қуйидагиларни ёзади: «Оятдаги “фалончи” сўзи киноя тарзида қўлланилган бўлиб, муайян шахс назарда тутилган. Гарчи мазкур сўз Убай ибн Халафни англатса-да, шубҳасиз, залолатга етакловчи барча “дўст”ларга тааллуқлидир».

Шу ўринда савол туғилиши мумкин: Аллоҳ таоло нима учун Убай ибн Халафнинг исмини аниқ зикр этмади?

Бу саволга Абу Лайс Самарқандий раҳимахуллоҳ бундай жавоб беради: «Аллоҳ та-

оло Убай ибн Халафни “фалончи” деб атаб, исмини аниқ зикр этмади. Чунки у бунга арзимаиди».

Дарҳақиқат, сўзлашув услуби қоидаларига кўра, таҳқирлаш ва назарга илмаслик маъносида баъзан исмлар аниқ талаффуз этилмайди. Бу жумлани зийнатлаш қоидаларидан бири саналади. Қуръони карим жумлалари нақадар гўзал!

Мазкур оятдаги **“дўст”** сўзининг икки хил маъноси бор:

1. Шайтон. Яъни, осий банда қиёматда: “Кошки шайтонни дўст тутмасам эди! Унинг чақириқларига итоат этмасам эди!” дея надомат қилади;

2. Инсон. Яъни, осий банда қиёматда: “Қанийди, фалончи билан дўст бўлмасам-у, унга тақлид қилиб, эргашмаган бўлсам қанийди!” деб надоматга, пуч орзуларга берилади.

Оятдаги **“дўст”** сўзи инсон маъносида ҳам қўлланилади. Аммо у қандай инсон? Қиёматда надомат чекишимизга сабаб бўладиган “дўст”лар қандай инсонлар тоифасидан?

Бу ҳақда Мулла Али Қори раҳимахуллоҳ бундай ёзади: “Улар иймонсизлар ва шукрдан ғафлатда бўлган инсонлардир. Иймонсиз дўст сизни йўлдан адаштиради ва ҳалокатингизга сабаб бўлади. Мўмин ва тақводор дўст эса, Аллоҳнинг ҳақ йўлига етаклайди ҳамда шодлигингизга сабаб бўлади. Қуйидаги оятда бунга ишора ва далил бор: **“Ўша кунда тақводорлардан бошқа дўстлар бир-бирларига душмандир”** (Зухруф сураси, 67-оят).

Баъзи олимлар айтишича, энг тўғри дўстлик ва энг яхши улфатлик қиёматда мазкур асфус-надоматга сабаб бўлмайдиган дўстликдир”.

Манбалар асосида ЎзХИА

илмий ходими

Абдуллоҳ АБДУЛМАЖИД

тайёрлади.



Тушкунлик:

сабаблар, муолажалар



Хар куни муайян вақтда дарахтларга, дугуларга термулиб, уларнинг турфалангларини томоша қилиш, табиат қўйнидаги ям-яшил манзараларга назар солиш, тафаккур қилиш тушкунлик (депрессия) ва диққинафасликка (стресс) қарши ажойиб муолажадир.

Буни Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятидан ўрганамиз: **“Ёки осмонлар ва Ерни яратган ҳамда сизлар учун осмондан сув (ёмғир) ёғдириб, у билан гўзал боғларни ўстирган Зот (яхши) ми?! Сизларда у (боғ)ларнинг дарахтларини ўстириш имкони йўқ эди...”** (Намл сураси, 60-оят).

Оятдаги **“боғлар”** билан **“гўзал”** сўзи орасидаги ажойиб боғлиқликни бир тафаккур қилиб кўринг-а. Тадқиқотчиларнинг айтишича, боғларга назар солиш инсон руҳиятига гўзаллик ва қувонч бахш этиб, нафсдаги изтиробларни муолажа қилар экан.

Беморларнинг аксарияти депрессия билан мурожаат этишмоқда. Тушкунликка тушмаслик учун, аввало, аёл ўзининг руҳий, ақлий хусусиятларини аниқлаб олиши керак. Масалан, таъсирчан, уятчан аёлларда тушкунликка мойиллик кўп. Шунинг учун бирор фойдали машғулот билан шуғулланиш тушкунликка тушишнинг олдини олади.

Тушкунликка тушишнинг сабаби касаллик бўлса, бу инсоннинг ўзига боғлиқ бўлмайди. Бундай ҳолда дарҳол шифокор кўригига бориш шарт. Негаки, миёда қандайдир ўзгаришлар содир бўлаётган бўлиши мумкин. Хасталик қанча эрта аниқланса, шунча яхши.

Касаллик истисно қилинганидан кейингина психолог кўригига бориб, психотренинглари орқали тушкунликдан чиқиб олиш мумкин.

Аввало, аёл тақдиридаги синов-муаммоларни Аллоҳнинг тақдири экан, деб рози бўлиши ҳам тушкунликнинг олдини олади. Шу жиҳатдан аёлда розилик туйғусининг шаклланиши давонинг асосий омилларидан ҳисобланади. Масалан, режамиздаги ишимиз амалга ошмай қолса, кўпинча тушкунликка тушиб қоламиз. Яхшилигу ёмонликни Аллоҳдан деб билиш, олдимизга режа ва мақсадлар қўймасдан фақат яхши ниятлар қилиш, ана шу ниятларимизнинг амалга ошишини Аллоҳдан сўраган ҳолда имкон даражасида ҳаракат қилишимиз керак. Яъни, бор куч, билим ва



имкониятлар билан киришиш зарур. Ундан кейин ҳам ният амалга ошмаса, ҳозирча вақти эмас экан, деган хулосага келинса бўлади.

Тушқунликка олиб келадиган сабаблардан яна бири муаммолардан чиқиб кета олмасликдир. Демак, ҳар битта муаммодан тўғри хулоса чиқармаслик. Аслида, муаммо инсонга унинг товланиши учун берилади. Ҳаётимиздаги ҳар битта муаммо ва синов бизга фақат тажриба ва кони фойдадир.

Айтайлик, эр-хотин орасидаги муносабат ёмонлашиб қолса, унинг сабабини учинчи шахсга ағдаришдан аввал аёл ўзини ислоҳ қилишга ҳаракат этиши керак. Бунда бизга шахслараро муносабатга тўғри киришиш усули ёрдам беради. Ким биландир муносабати бузилса, аёл ўзининг хатти-ҳаракатини таҳлил қилиши лозим.

Келинг, бугун биз янглишиб депрессия деб ўйлаётган ҳолатлар – меланхолия (баджаҳиллик, тажанглик) ва дистимия (ғамгинлик кайфиятсизлик) тўғрисида фикр юритайлик. Меланхолия ҳам кичик депрессиялар сирасига киради. Аммо депрессиядан фарқли ўлароқ, ундан мустақил равишда чиқиб олса бўлади.

Бугунги кунда меланхолия аҳолининг ярмида учрайди. Статистикага кўра, 30 ёшдан кейин аёлларнинг 70 фоизида учраши аниқланган.

Меланхолияга хос тушқунликлар асосан кузда ва баҳорда кузатилади. Ушбу тушқунликлар вақтинчалик қийинчиликлар билан боғлиқ равишда юзага келади. Қувончли ҳолатлардан хурсанд бўла олмаслик; фикрлашнинг бироз сусайиши, яъни қарор қабул қилишнинг қийинлиги; кўтаринки кайфиятга эриша олмаслик; ҳаётий фаолликнинг сусайиши; воқеа-ҳодисаларга салбий муносабатда бўлиш; ўз ишига бўлган қизиқишнинг пасайиб кетиши; иштаҳасизлик, ўзига бўлган ишончининг йўқола бошлаши...

Бу ҳолатлар депрессиянинг бошла нишида ҳам кузатилиши мумкин. Ундан фарқли ўлароқ, мавсумий бўлиб, қийин вазият осонлашганда ўтиб кетиши мумкин. Аксинча бўлса, албатта, шифокорга мурожаат этиш лозим.

Кичик депрессияга дистимия ҳам киради. Дистимия инсонда севинч ва ижобий ҳиссиётларнинг йўқлигидир. Дистимия кузатилган шахс доимий равишда ғамгин кайфиятда бўлади, ўзини айблаш ҳисси ва кучли хавотир кузатилади. Ҳаётидаги ҳар бир ҳодисани навбатдаги бахтсизлик, омадсизлик деб ҳисоблайди.

Демак, инсонда меланхолия борми ёки дистимия борлиги аниқлангандан сўнг ундан қандай қилиб чиқиш мумкин? Булар қуйидагилар:

- атрофдагиларга яхшилик қилишга интилинг;
- Қуръон эшитинг, ўқинг ва ёдланг;
- Аллоҳни кўп зикр қилинг;
- ҳолатингиз юзасидан вазиятни қўлингизга олинг;
- сизни таъсирлантирадиган китоб ўқинг ёки фильм томоша қилинг.
- ёлғизликдан қочинг! Дўстларингиз даврасида бўлишга шошилинг, улардан ёрдам сўрашга уялманг;
- маънавий оламингизни бойитинг;
- уйқуни тартибга солинг, фақат тўлақонли уйқугина асаб тизимини тиклайди;
- жисмоний машқлар қилинг, спорт билан шуғулланинг!

Юқоридаги тавсияларга амал қилсангиз, тушқунликдан асар ҳам қолмайди, иншоаллоҳ!

Зотан, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Албатта, Аллоҳ таоло бандалари ичидан ғайратлисини яхши кўради”**, деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Гавҳар ТЕШАБОЕВА,
руҳиятшунос шифокор



Фотима бинти Асад

розиаллоҳу анҳо

Ҳабибимиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам етим қолганларида бобоси Абдулмутталиб ўз бағрига олди. Бобоси неварасини еру кўкка ишонмасди. Афсуски, унинг ғамхўрлиги узоққа бормади... Ажали яқинлашганида ўғли Абу Толибни чақириб, суюкли неварасини бағрига олишини ва етимлигини билдирмаслигини васият қилди. Ҳабибимизнинг отаси Абдуллоҳ билан Абу Толиб ота-она бир ака-ука эдилар. Абдулмутталиб вафот этгач, ёш Муҳаммад Абу Толибнинг хонадонига кўчиб ўтди. Бу хонадонда бир меҳрибон ва мушфиқ онани кўрдик, вафот этган онаси ўрнига Аллоҳ таоло шу аёлнинг беқиёс меҳрини ато этди. Амакилари Абу Толибнинг аёли Фотима бинти Асад бутун меҳрини суюкли Пайғамбаримизга бағишлади. Ҳатто ўз болаларидан кўра унга ғамхўрроқ эди.

Абу Толиб камбағал эди, хотини ва болалари тўйиб овқат емаётганидан ўкинарди. Ёш Муҳаммад бу оила аҳли билан яшай бошлагач, биринчи марта бу оила қозонига барака кирди. Илгари Абу Толиб оиласи жам бўлиб ёки ёлғиз овқатга ўтирганларида ҳам негадир қоринлари тўймасди. Ёш Муҳаммад билан бирга тамадди қила бошлаганларидан бери озгина таомлари ҳам етиб-ортадиган бўлиб қолди. Абу Толиб овқатланишга ўтирганларида Муҳаммад келгунича овқатга қўл узатмай туришни тайинларди. Ёш Муҳаммад дастурхонга ўтириши билан кўзларига етмай қоладигандек кўринган овқат негадир етиб-ортиб қолаётганидан ажабланадиган бўлишди. Агар сут берилса, олдин Муҳаммад ичар, сўнг бошқаларга узатиларди. Ана шу идишдаги сутга ҳаммалари тўйиб-қонишар эди. Бу ҳолни кузатиб турган Абу



Толиб ўз инисининг ўғлини мақтаб: “Сен баракали, муборак боласан”, деб қўярди. Болалар уйқудан кўзлари алланечук ҳолда уйғонса, ёш Муҳаммад юзлари тиниқ ойдек бўлиб турарди.

Фотима розиаллоҳу анҳо уйларига кираётган бу қут-баракани кўриб, кўзларига ишонмас, ёш Муҳаммадга меҳр-муҳаббат кундан-кун зиёда бўлиб борарди. Ёш Муҳаммад ҳам Аллоҳ вафот этган онаси ўрнига бир ғамхўр ва мушфиқа онани ато этганидан ниҳоятда мамнун эди. Ёш Муҳаммад вояга етиб, Хадича розиаллоҳу анҳога уйлангунича бу ҳол давом этди. Фотима Муҳаммад ҳақида одамларнинг гап-сўзларига эътибор билан кулоқ соларди. Эри Абу Толибнинг у ҳақда айтганларини ҳеч қачон эсидан чиқармади: “Бу инимнинг боласи келажакда улуғ шарафга эришади. Яъни келажаги порлоқдир”.

Ислом келганидан кейин бу бахтли аёл Аллоҳнинг оятлари ва Унинг Расули суннатига эргашиб, бу иши билан қалбида бутун дунё бойликлари бир лаҳзасига ҳам тенг келолмайдиган саодат ҳиссини туйди.

* * *

Набий алайҳиссалом бу аёлни худди ўзининг она-сидек яхши кўрардилар ва уни зиёрат қилишга вақт ажратардилар. Баъзан унинг уйига қайлула уйқусини олгани борардилар, кўнглига қараб, тез-тез ҳады ва совғалар жўнатиб турардилар. Али ибн Абу Толиб розияллоху анху Расулуллоҳнинг фарзанди аржумандлари Фотимага уйлангач, Фотима бинти Асад барчанинг кўз ўнгида қайнона ва меҳрибон она тимсолида намоён бўлди. У Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг қизларини ҳам жуда яхши кўрарди. У билан уй ишларида баб-баравар хизмат қилар, иш буюриб қўйиб, ўзи ўтириб олмас, унга жонкуяр кўмакчи эди.

Анас ибн Молик розияллоху анху бундай дейди: «Алининг онаси Фотима бинти Асад ибн Ҳишом вафот этгач, Расулуллоҳ унинг олдига кириб, бош тарафига ўтириб: **“Эй онажон, сизни Аллоҳ раҳмат қилсин, онамдан кейин онам эдингиз, ўзингиз оч бўлсангиз ҳам, мени тўйдирар, ўзингиз юпун бўлсангиз ҳам, мени кийдирар эдингиз. Ширин овқатларни ўзингиз емай, менга тутардингиз. Бу билан Аллоҳнинг розилиги ва охират диёри-ни кўзлардингиз, холос”, дедилар**». Лаҳад кавлаб бўлингач, Расулуллоҳ унга ўзлари ётиб кўрдилар ва: **“Аллоҳнинг Ўзи тирилтиради ва ўлдиради, Ўзи эса ҳеч қачон ўлмайдиган Зотдир. Эй Аллоҳим, менинг онам Фотима бинти Асадни мағфират қил, ҳужжатини Ўзинг талқин эт, борадиган жойини кенг қил. Ўзингнинг пайғамбаринг ва мендан илгари ўтган барча пайғамбарларинг ҳаққи, унинг қабрини нурга тўлдир, эй раҳмлиларнинг раҳмлисидир!”** дедилар ва жаноза намозини ўқидилар. Бу аёлни ўзлари, Аббос ва Абу Бакр лаҳадга қўйдилар. Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин.

Фотима бинти Асад мусулмон аёлларга етимга қандай муомала қилиш борасида энг яхши сабоқ берган муаллима бўлиб тарихда қолди. Ўксик болага шунчаки энага эмас, ҳақиқий онасидек муомала қилишни ўргатган мурувватли қалб соҳибаси эканини кўрсатди. Раббимиз бу муборак аёлнинг ўрнак тўла ҳаёти, тақвога йўғрилган умридан ибрат олишимизни насиб этсин.

Шаҳноза ЭРАЛИЕВА тайёрлади.

Ёмон хотин ўлса...

* * *

Бош икков бўлмай,
Мол икков бўлмас.

* * *

Бошим икки – молим икки.

* * *

Бўз яқтак қичитар,
Яхши хотин тинчитар.

* * *

Дўстинг ҳам – эринг,
Душманинг ҳам – эринг.

* * *

Эр – қуёш йўлдоши,
Хотин – умр йўлдоши.

* * *

Ёмон хотин олганнинг
ёви уйида,
Икки хотин олганнинг
дови уйида.

* * *

Ёмон хотин ўлса,
тўшак-том қолар,
Яхши хотин ўлса,
меҳнат-ғам қолар.

* * *

Ёмон хотин ҳайитда
эридан чиқар.

* * *

Ёғмас булут элни алдар,
Ёмон хотин – эрни.

* * *

Келин кирган уйга нур кирар.

* * *

Келининг қаерлик бўлса,
Меҳмонинг ўша ерлик.

* * *

Йигитнинг кўнгли қолса –
ўлгунча,
Хотиннинг кўнгли қолса –
туққунча.





Yarim oyda Zayd yahud tilin o'rgandi

Azizlarim, Payg'ambarimiz sollallohu alayhi va sallam muhabbatlari kichkintoylar qalblarini to'ldirdi. Zero, u zotning hayotlari bolalar bilan birga kechdi. Ular ham Rasululloh sollallohu alayhi va sallamni otalari, o'zlari, yaqinlari va qarindoshlaridan ko'ra ko'proq yaxshi ko'radigan bo'lishdi. Hatto ayrimlari do'stlari bilan o'ynashdan ko'ra u zot bilan o'tirishni afzal ko'rardi.

Sizning xohishingiz biz uchun amr!

Zayd ibn Sobit – hijratdan ilgari nozil bo'lgan uzun va qisqa suralardan o'n yettitasini yod olgan bolakay.

Rasululloh sollallohu alayhi va sallam Madinaga hijrat qilganlaridan so'ng huzurlariga Zaydni keltirishdi. O'sha paytda u 11 yoshda edi. Odamlar uni Nabiy alayhissalomga tanishtirar ekan: "Sizga nozil bo'lgan o'n yettita surani yod olgan", deyishdi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bolaning zakovati va shijoatidan hayratlandilar. Boisi u qiroati, shirali ovozi hamda Qur'onni fasohatli til bilan o'qishida hayajonga tushmadi. Nega hayajonlansin?! Axir u Allohning Kalomini

o'qiyapti, buning uchun Allohdan katta ajr oladi-ku!

Nabiy alayhissalom bolaning hifzi va mahoratiga qoyil qoldilar. Unda ilmga sevgi, g'ayrat va jiddiylikni ko'rdilar.

Bir kuni Zaydga: "Ey Zayd, yahudiy yozuvin o'rgan. Shu tilda maktublar kelyapti", dedilar. Ya'ni Nabiy alayhissalom Madinaga kelgan kezlarda u yerda bir necha yahudiy qavmlari yashardi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam ularga xat yozar, ular ham Payg'ambarimizga ibroniychada maktub va ahdomalar jo'natishardi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam esa yahudiy tilini bilmasdilar. Shuning uchun ularning makrlaridan ehtiyot bo'lar, xatga bir narsani yozib, tilda boshqacha tushuntirishlari va bundan musulmonlarga ziyon yetishidan xavotirlanardilar. Shuning uchun musulmonlardan biri yahudiy tilini o'rganishini istadilar va Zaydni tanladilar. Zayd kichkina bo'lsa-da, Nabiy alayhissalom unda ilmga muhabbat va g'ayratni ko'rdilar. Buning ustiga zakiy bolakay edi.

Aytgin-chi, Zayd nima qildi deb o'ylaysan?

U Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning buyruqlarini bajardimi yoki bu narsa do'stlarim bilan o'ynashdan to'sadi, deb o'ylab chekindimi?

Zayd ibroniy tilini o'rganishga jidd-u jahd qildi. Yarim oy o'tar-o'tmas, Nabiy alayhissalomga keladigan yahudiy maktublarini tarjima qilib, Payg'ambarimiz sollallohu alayhi va sallam yahudiylarga yuboradigan nomalarini yozib beradigan bo'ldi.

Tasavvur qilib ko'r, Zayd Rasululloh sollallohu alayhi va sallam yonlarida o'tiribdi. Nabiy alayhissalom esa bir muammo yuzasidan yahudiylar bilan nima to'xtamga kelish kerakligi haqida sahobalarga maslahat solmoqdalar. Sahobalar Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga maslahat berishmoqda, u zot esa: "Ey Zayd,



bunday, bunday, deb yozgin”, demoqdalar.

Zaydning Nabiy alayhissalomga nisbatan muhabbati qanday edi?

Bir kuni u zot Zayddagi tirishqoqlikni ko'rib: “Ey Zayd, suryoniy tilini ham bilasanmi?” deb so'radilar (bu o'sha asrda mavjud til edi). Zayd: “O'rganaman, ey Allohning rasuli”, dedi va suryoniy tilini bir oydan oz muddatda o'rganib oldi.

Ko'zga ko'ringan qobiliyati, ilmga muhabbati va zakovati uchun Rasululloh sollallohu alayhi va sallam Zaydni nozil bo'lgan oyatlarni yozib qo'yish uchun tanladilar. U Nabiy alayhissalom zamonlarida vahiyini yozardi. Vafotlaridan so'ng esa ko'p sonli sahobalar bilan Mushafni jamlashga mas'ul bo'ldi.

Zayd ibn Sobit aytadi: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam buyurgan edilar, yahudiy yozuvini o'rgandim. U zot menga: “Allohga qasam, noma yozishda yahudiylarga ishonmayman”, dedilar. Men o'rganishga kirishdim va yarim oy o'tar-o'tmas, yahud tilini to'la bilib oldim. Agar noma yozdirmoqchi bo'lsalar, yozib berardim. Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga maktub kelsa, o'qib berardim» (*Abu Dovud “Sunan”, “Ilm kitobi”, hasan-sahih hadis*).

“Kim seni u zotdek yaxshi ko'radi?” kitobidan

Yulduz KOMILOVA
tarjimasi

Хар жойда адоват қўзғатувчилар

Бугун ёт ғоялар билан “қуролланган” шундай оқимлар пайдо бўлдики, улар ўзларининг йўриғига юрмаган барчани бирваракайига куфрда айблаб, ҳатто мўмин-мусулмонлар яшайдиган диёрларни ҳам куфр шаҳри деб эълон қилишмоқда. Билмасдан ушбу фирқаларнинг таъсирига тушиб қолган айрим ёшларнинг бундай хато йўлдан қайтиши қийин кечмоқда. Ана шундай ғаразли тушунчаларни илгари сураётган оқимлардан бири сохта салафийликдир.

Мазкур оқим тарафдорлари ўзларининг бузуқ таълимотларига кўра, қабрларни зиёрат қилган одам диндан чиқади, деган эътиқодда, ҳатто бир замонлар Мадинаи мунавварадаги саҳобаларнинг қабрларини ҳам оёқости қилишган. Ҳолбуки, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: **“Мен сизларни қабрлар зиёратидан қайтарган эдим. Энди уни зиёрат қилаверинглар. Зеро, у сизларга ўлимни эслатади”** (*Имом Муслим ва Имом Аҳмад ривоятлари*), деганлар. У зотнинг ўзлари Бақиъ қабристонига бориб, майитлар ҳаққига дуо қилганлар.

Сохта салафийлар жамиятни иккига: “мусулмонлар” ва “динсизлар”га ажратадилар. Бу билан бошқа диндагиларни душман санаб, динлараро адоват уйғотишга уринадилар. Улар нафақат бошқа дин вакиллариغا, балки шариат ҳукмларини ўзлари ўйлагандек бажармаётган мусулмонларга нисбатан ҳам зўравонлик қиладилар.

Бу кимсалар Аллоҳ таолонинг марҳамат қилган: **“Албатта, бу Менинг тўғри йўлимдир. Бас, унга эргашинглар. Ва бошқа йўлларга эргашманглар. Бас, сизни унинг йўлидан адаштирмасинлар. Мана шу сизга қилган амр-дирки, шояд, тақво қилсангиз”** (*Анъом сураси 153-оятлари*), деган амрига хилоф иш тутиб келмоқдалар.

Бизнинг давримизда ҳам икки юздан ортиқ сохта салафийликка ўхшаш ёт оқимлар бор. Сохта салафийликнинг ғоялари билан суғорилган ёки уларнинг издошлари сифатида ИШИДни ҳамда Ироқ ва Сурияда террорчилик билан шуғулланиб келаётган барча гуруҳларни ёт оқимлар сирасига киритиш мумкин. Ёшларни уларнинг зараридан огоҳ этиш биз катталарнинг энг муҳим вазифамиздир.

Нурбек ВОСИДОВ

Қуръонни ўқиш яхши, унга амал қилиш муҳимроқ

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Инсонлар ичида Аллоҳнинг хос бандалари бор”**, дедилар. “Улар кимлар?” деб сўрашди. У зот: **“Қуръон аҳли, Аллоҳнинг аҳли ва хос бандаларидир”**, деб жавоб бердилар (*Имом Насоий, Имом Ибн Можа ва Имом Ҳоким ривояти*).

Дарҳақиқат, Қуръон – ҳаётимиз ва умримиз йўлларини ёритувчи нур, икки дунё саодатига эриштирувчи зиё. Банда Қуръон ўқиш, уни тадаббур ва тафаккур қилиш орқали руҳий, ахлоқий жиҳатдан камол топиб бораверади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги диний таълим муассасаларида “Қуръони карим ва тажвид” бўйича курслар фаолияти йўлга қўйилганидан халқимиз жуда мамнун.

Ўқув курслари фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идораси “Қуръони карим ва тажвидни ўргатиш” бўлими мудирини ўринбосари Фозилжон Бобожонов, талаба аёллар, мударрисалар билан суҳбатлашдик.

Фозилжон Бобожонов:

– 2018 йилдан очила бошлаган курслар сони бугунга келиб 26 тага етди. 20432 нафар аёл-қиз ўқув курсларини муваффақиятли тамомлади. Ҳозирда 2655 нафар аёл-қиз мазкур курсларда таҳсил оляпти, яна 14603 нафари навбатда турибди. Курсларни битирган тингловчиларга сертификат тақдим этилади. Лекин бу сертификат Қуръони каримни ўқитиш учун рухсатнома ёки ижоза ҳисобланмайди.

Дилфуза Орипова, нафақадаги ўқитувчи:

– Бир неча йил бурун Абу Умома Боҳилий розияллоху анху ривоят қилган: **“Қуръонни қироат қилинг. У қиёмат кунини ўз асҳобларига шафоатчи бўлади”**, деган



ҳадисни ўқигандим. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг ушбу муборак сўзлари мени Қуръонни ўрганишга чорлади. Жорий йил бу бахт менга насиб қилди, тажвид қоидаларини ўрганиб, сураларни ёд олишни бошладим.

Касбим тақозосига кўра, кўп китоб ўқийман, танлаб-танлаб мутолаа қиламан. Лекин ҳеч бир асар Каломуллоҳчалик одамга руҳий хотиржамлик, хузур-ҳаловат бермас экан. Олдинлари Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимахуллоҳнинг “Тафсири Ҳилол”, Шайх Абдулазиз Мансурнинг “Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири”ни ўқиш асносида Аллоҳнинг Китобининг аслини тиловат қилишни орзу қилар эдим.

Аллоҳга шукр, шу орзуим рўёбга чиқиб, Каломуллоҳни ўқий бошлаганимдан бери чинакам саодатни туяяпман.

Малоҳат Нурматова, уй бекаси:

– Қуръон ва тажвид курслари очилгани ҳақидаги хабарни эшитганим заҳоти дугона билан навбатга ёзилдик. Дарсларни яхши ўзлаштириб, муваффақиятли тамомладим. Курсда муаллималар нафақат тажвид қоидалари, айти пайтда одоб-ахлоқ,



ҳаё-ибо, саҳобиялар ҳаётидан ибратлар, оилада аёлнинг вазибалари каби мавзуларда ҳам билим беришди.

Умрага борганимда Икки Ҳарамда аёллар ҳам Қуръон тиловат қилиб ўтирганларини кўриб, роса ҳавасим келган эди. Алҳамдулиллаҳ, энди яна Мадинаи мунаввара ва Маккаи мукаррамага борсам, албатта, мен ҳам тўйиб-тўйиб Қуръон ўқийман. Аслида, ўқишни билмасам-да, кешининг Қуръонга Аллоҳнинг каломи деб ҳавас билан термулиб туриши – ибодат. Лекин уни ўқишнинг файзи бўлакча экан. Каломуллоҳни тиловат қилиш нафақат жисму жонимизни, айна пайтда руҳимизни ҳам нурафшон қилади.

Одинахон Иброҳимова, тадбиркор:

– Ўқув курсида таълим олиш насиб қилганидан жуда хурсандман. Курс давомида икки устоза билан танишдик. Уларнинг дарсларни тушунтириш услуби ўзгача бўлгани сабаб тез ва осон тушундим. Бундай савобли ишлар бардавом бўлсин.

Араб ҳарфларининг махражларини ўрганишда бироз қийналдим. Лекин ҳаммаси устозлар кўмагида изига тушиб кетди, алҳамдулиллаҳ.

Насиба Содиқова, уй бекаси:

– Ёшим катта бўлгани боис дастлаб дарсларда қатнашишга бироз хижолат бўлдим. Устозамиз айтиб берган ушбу: «Ойша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Қуръонга моҳир бўлган киши мукаррам, ўта яхши фаришталар билан бирга бўлади. Ўқиганда қийналадиганга икки ажр бордир”**, дедилар» (Тўртовлари ривоят қилишган) ҳадисни ўқиганим менга катта куч берди. Шу кундан илм олишга қаттиқ киришдим.

Илм ўрганишнинг эрта-кечи йўқ. Айниқса, Қуръонни 60 ёки 70 ёшда ёд олган қорилар ва қорияларни биламиз. Шуларга ҳавас мени Каломуллоҳни ўрганишга бошлади.

Гуруҳда тенгдошларим ва мендан ҳам ёши улуғ онахонларни кўриб севиндим.

Ёшлари катта бўлса ҳам, шижоат ва қизиқиш билан дарсларни тайёрлаб, ёшларни ҳам ортда қолдиришди. Устозлар ҳам сабр билан, шошмасдан, тушунмаган мавзуларни қайта-қайта такрорлашди. Уч ойлик курс жуда тез ўтиб кетди.

Гулурух Маҳамедова, “Ҳадичаи Кубро” аёл-қизлар ўрта махсус ислом билим юрти “Маънавият ва маърифат” бўлими бошлиғи ва “Қуръони карим ва тажвид” ўқув курси мударрисаси:

– Курсда талабалар билан ишлаш, уларнинг фаоллиги, шижоатини кўриш жуда мароқли. Ҳар бир ўқувчи дарсга диққат билан эътибор бериб, кўпроқ илм олишга интилади. Гуруҳда талабалар жуда аҳил.


Дарсни тез ва осон ёдлаш усуллари ва турли қизиқарли ўйинлар билан ўтказамиз. Бундан ташқари, аёлларга Қуръонни фақатгина ўқиш эмас, унга амал қилиш ҳам муҳимлигини тушунтираман. Аёлларга Ойша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган: **“Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хулқлари Қуръон эди”** (Имом Муслим ривояти) ҳадисни кўп такрорлайман. Қуръон оятларини тадаббур билан ўқишлари, ахлоқларини янада гўзал қилишлари, эр олдидаги вазибалари ва фарзанд тарбиясида Қуръон ва суннатга мувофиқ иш кўришларини тушунтираман.

Аллоҳнинг Каломини нафақат ўзимиз, балки бизни машаққат билан улғайтирган ота-онамизни жаннатга олиб кириш учун ҳам ўрганмоғимиз лозим. Вақтимизни беҳуда сарфламай, диёримизда яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда илм ўрганайлик. Хусусан, аёлларимиз уй-рўзғор юмушлари, оилавий можаролар сабабли тушкунликка тушиб қоладилар. Ана шундай ҳолатларга ечим – Қуръонни ўқиб, кўрсатмаларига амал қилишдир.

Аллоҳ таоло барчамизни Қуръон аҳллари билан қилсин!

Робияхон ТОҲИРОВА оққа кўчирди.





Эҳромга кирадиган аёл ҳайз кўриб қолса...

САВОЛ: Кимёвий усул билан даволанганимдан сўнг сочим тўкилиб кетди. Ҳозир озгина ўсган. Эҳромдан чиқишда аёллар ҳам сочларини бир бўғим миқдорида қирқар эканлар. Мен шу ҳолатимда эҳромдан қандай чиқаман?

ЖАВОБ: Ҳаж ёки умра амалларини бажариб бўлгандан кейин сочининг ҳар жойига бир неча қайчи уриб қўйиш билан киши эҳромдан чиққан ҳисобланмайди. Ё сочининг бари олинади, ё ҳамма жойидан бармоқнинг бир бўғини миқдорида (тахминан 3 см) қисқартирилади. Аёллар фақат қисқартирадилар. Улар сочини жамлаб, учидан бир бўғин узунлигида кесишади. Сочи 3 см.дан кам аёллар сочини эркаклар каби қирмайди. Чунки аёлларнинг сочини қириши макруҳи таҳримий саналади.

Саволда айтилганидек, сочи тўкилиб кетган ёки сочи бор-у, лекин 3 см.дан қисқа аёллар борасида шайхул ҳадис Халил Аҳмад Сахаронпурий бундай деган: “Агар аёл киши ҳар куни умра қилиб, эҳромдан чиқишда сочини қирқиши туфайли сочи қисқариб, бармоғининг бир бўғинидан калта бўлиб қолса, нима қилади? Тагидан олса, ҳаром ёки макруҳ иш қилган бўлади. Сочи йўқ эркаклар боши устидан устара ёки машинкани юритиб қўйиши кифоя қилади, деган гап бор. Худди шундай аёллар ҳам қайчини бошига юритиб қўяди. Шояд, шу иши кифоя қилса. Валлоху аълам” (“Базул мажхуд”).

САВОЛ: Ҳаж ёки умрада таҳоратсиз саъй қилинса, нима бўлади?

ЖАВОБ: Ҳар доим таҳоратли юриш мустаҳабдир. Айниқса, Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаввара каби муборак маскан-

ларда бу ибодатга яна ҳам эътиборли бўлиш лозим.

Хоҳ ҳажнинг, хоҳ умранинг саъйини бажаришда жанобат ва ҳайздан пок бўлиш вожиб эмас. Чунки саъй Масжидул Ҳаромдан ташқарида бажариладиган амал. Тавоф Масжидул Ҳаромда бажарилгани учун унда таҳоратли бўлиш вожибдир (“Баҳру роиқ”, “Ғунятун носик”, “Фатавои Заҳирия”).

Саъй қилаётган кишининг таҳорати беҳосдан бузилса, унинг зиммасига бирор каффарот вожиб бўлмайди. Аммо таҳоратсиз саъй қилиш макруҳ (“Фатавои ҳиндия”).

САВОЛ: Совуқ ҳавода ҳаж ёки умра қилсам, икки қават эҳром боғласам бўладими?

ЖАВОБ: Ҳавонинг совуқлиги туфайли икки қават эҳром боғлашнинг зарари йўқ. Асосийси, эркаклар учун тикилган кийим бўлмаслиги шарт.

САВОЛ: Қўшним: “Каъбатуллоҳга бормайман, унга сарфланадиган маблағни эҳсон қиламан ёки муҳтож оилага тўй қилиб бераман”, деди. Шундай қилса бўладими?

ЖАВОБ: Ҳаж “одамлардан йўлга қодир бўлганларга” фарз. Улар – соғлом, ҳажга бориб-келишга ва шу даврда оиласининг нафақасига етадиган маблағга эга, йўлида хавф-хатар йўқ; аёл киши бўлса, маҳрами бор кишилардир.

Ушбу шартларни ўзида мужассам этган ҳар бир мусулмонга умрида бир марта ҳаж қилиш фарз. Улар имкони бўла туриб ҳаж қилмасалар, гуноҳкор бўладилар. Демак, ҳаж зиммасида фарз бўлган киши ҳаж учун йиққан маблағини эҳсон қилиб юбориши тўғри эмас. Балки у зиммасидаги фарз ибодатни адо этиши лозим.



САВОЛ: Ҳаж қилишдан аввал умра мақсадида Зулҳулайфада эҳромга кирмоқчи бўлган аёл ҳайз кўриб қолса, нима қилади?

ЖАВОБ: Ҳаж ёки умра сафарига чиққан аёл ҳайз кўриб қолса, албатта, мийқотдан эҳромга кириши лозим. Эҳромга киришига учун поклик шарт қилинмайди. Қолаверса, мийқот худудидан эҳромсиз ўтиш жоиз эмас. Эҳромга кириб, Маккага етиб борганидан сўнг ҳайздан пок бўлгунча Масжидул Ҳаромга кирмай туради. Ҳайздан пок бўлгач, ғусл қилиб, умра ёки ҳаж амалларини бажаради. “Ҳидоя” асарида бундай дейилади: “Агар аёл киши эҳромга кириш чоғида ҳайз кўриб қолса, ғусл қилади ва эҳромга кириб, ҳожилар қиладиган амалларни қилаверади. Лекин то ҳайздан пок бўлмагунча Байтуллоҳни тавоф қилмайди”.

САВОЛ: Намоз ўқиш макруҳ бўлган вақтларда тавоф қилиш жоизми?

ЖАВОБ: Нафл намоз ўқиш макруҳ бўлган вақтларда ҳаж ёки умра учун тавоф қилишнинг зиёни йўқ. Бу ҳақда “Раддул мухтор”да: “Тавоф қилиб бўлгач, намоз ўқиш мубоҳ (яъни нафл намоз ўқиш мумкин бўлган) вақтда икки ракат намоз ўқийди. Ушбу қайд фақат намоз учун бўлиб, бундай вақтларда тавоф намозини ўқиш макруҳдир. Тавоф қилиш эса макруҳ эмас”, дейилади.

САВОЛ: Баъзи одамларда “Жума куни арвоҳлар ҳаж сафарига кетади, шунинг учун намозлардан кейин тиловат қилинмайди. Агар тиловат қилинса, савоби дастурхон бўлиб боради ва арвоҳлар ҳаж сафарига бора олишмайди”, деган тушунча пайдо бўлган. Илтимос, шунга бирор раддия берсангиз!

ЖАВОБ: Ўлганлар (арвоҳлари) ҳаж сафарига бормайди. Инсон вафот этиши билан унинг амали тўхтайдди. Қабр у учун жаннатнинг бир боғчаси ёки дўзахнинг бир чоғи (Аллоҳ асрасин!) бўлади. Унинг тирикларнинг дуо, садақа ва солиҳ амалларидан манфаат топиши, роҳатланиши бор.

Ўзи тирик вақтида қилиб кетган садақаи жорияларидан ҳам тўхтовсиз савоблар бориб туради.



Руҳлар ҳақидаги илм ғайб илми саналади. Бу ҳақдаги маълумотлар Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларда зикр қилинганидан нарига ўтмайди, акс ҳолда, саволда сўралгани каби асоссиз ва бузуқ ақидалар шаклланиб қолади.

Руҳлар тўғрисида бизгача етиб келган ҳадиси шарифлардан умумий хулоса қуйидагича: қабрлари бир-биридан узоқ ёки яқин бўлишидан қатъи назар, маййитларнинг руҳлари ўзаро зиёратлашиб турадилар. Бу хусусда ҳадислар ворид бўлган. Тирикларнинг қилиб юрган яхши-ёмон ишлари вафот этган яқинларига кўрсатиб турилади. Тирикларнинг қилаётган амаллари Аллоҳ таолога фаришталар орқали душанба ва пайшанба куни, пайғамбарларга жума куни кўрсатилади.

САВОЛ: Мен намоз ўқишни билмайман. Умра ёки ҳаж сафарига боришим мумкинми?

ЖАВОБ: Динимизда амалларнинг ўз даражалари бор. Балоғатга етган ҳар бир шахс зиммасидаги фарз амаллар илмини ва ҳукмини билиши лозим.

Ислон шариатига кўра, беш маҳал намозни ҳар қандай вазиятда ҳам ўз вақтида ўқиш энг аввалги фарзлардан бири саналади. Бундан намозга доир масалаларни, уни адо этиш тартиб-қоидаларига тегишли маълумотларни билиш энг зарурий илмлардан ҳисобланади. Ҳаж ва умра зиёратлари эса динимизда намоздан кейинги даражадаги амаллар қаторида туради. Шунинг учун намоз ўқишни дарров ўрганиб, уни ўз вақтида адо этиб боришга ғайрат қилинг.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази
(78) 150-33-44



Сабрсизликми ё меҳрсизлик?...

Оилавий ажримлар кўпайиб бораётгани сир эмас. Турмуш қурган келин-куёвларнинг бир йил ҳам яшамасдан арзимас сабаблар билан ажрашишга қарор қилиши ниҳоятда ташвишли ҳол.

Сабаблар турли бўлса-да, ечими кўп жиҳатдан оиладаги катталар, яъни қайнона ва қайнотага боғлиқ.

Ҳеч ким хатодан холи эмас, айниқса, ўзга уйга борган ёшгина қизнинг ҳаяжондан билганлари ҳам эсдан чиқиб қолиши турган гап. Қайноналар уларнинг хатола-рига кўз юмиб, оналарча меҳр берса, у ёғини эплаб кетишади.

“Келин олдим, энди ҳамма ёқни ўзи эпласин”, деб рўзғорни келиннинг ўзига ташлаб қўйиш нотўғри. Қайнона-жонларимиз: “Онанинг ҳеч нарса ўргатмаган экан-да”, деб таъна қилмасдан ётиғи билан: “Бизнинг хонадонда тартиб-қоидалар бундай...” деб кўрсатиб ўргатсалар, келиннинг ҳам янги оилага кўникиши, эътибори шунга яраша бўлади.

Бунда катталарнинг ҳам айби бор. Чунки бугун ҳамма жараён тезлашиб кетаётгандек. Масалан, бобо-бувиларимиз ёшларни унаштириб қўйиб, тўй кунларини бир йилдан кейин ўтказганлар ёки келин-куёв кўча-кўйда учрашиб юришга уялган.

Қизларимизда ибодат кучли бўлган. Энди-чи?..

Бугунги ёши улуғларга “Ёшларга насиҳат қилинганлар, билмаганларини ўргатинганлар”, десак, улар: “Бизнинг гапимизга қулоқ солишмайди”, деб ўзларини четга олишади. Лекин халқимизда: “Бир болага етти маҳалла ота-она”, деган мақол бежиз айтилмаган.

Орзу-ҳавасли тўй ҳам ўтди. Келиннинг ота-онаси уч кунлик чорлов қилиб уйларига чақиривади. Ҳали янги уйини таниб улгурмаган келинчақ ота уйига бориши керак...

Авваллари қизларини камида бир ойда чақиривган. Чунки борган янги уйига ўрганиб, меҳр қўйсин, дейилган. Кечроқ чақиривнинг яна яхши томони, урф-одатларимизга кўра, ота-онаси ҳали чақирмаган келинчақ келган меҳмонларга салом солиб туради. Бу билан қиз бола келинчақлик даври қандай бўлиши, энди ўзи биронинг хасми эканини янада теранроқ идрок этади. Бунга ҳам, менинг фикримча, катталар масъул. Яъни қайнона келинлик уйи тарбиясини бошлаб, иккала уйдаги тафовутларни келинчақка чиройли тушунтириши керак.

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Набий солаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ҳаё ва камгаплик иймоннинг икки шўъбасидир. Ҳаёсизлик ва маҳмадоналик нифоқнинг икки шўъбасидир”**, деганлар (Имом Термизий ривоят қилган).

Оила дарз кетишининг олдини оладиган омиллардан бири – қайнона-келин муносабатларининг илиқлиги. Кўп ҳолларда эр-хотиннинг ажримига атрофдагилар билан бўлган келишмовчиликлар сабаб бўлмоқда. Муаммоларнинг ижобий томонга ечим топишидаги илдамлик қайноналарнинг қўлида, албатта.

Қайнона келинга овқатдан олдин “Қўлимизга сув олиб келинг-чи”, деб ўргатса, қандай чиройли! Бунда келин катталарни эъзозлашни ўрганади. Бу каби одатлар ҳам, афсуски, камёб бўлиб қолди. Баъзи жойларда эса буткул унутилган.

Фазилат ҲУСАИНОВА, Бўка тумани





Жаҳлдор онанинг қизи – асабий...

Эътибор берганмисиз, бугунги болаларнинг аксари сержаҳл, серзарда, асабий. Бу тажангликлар эса улғайганлари сари улар билан бирга “ўсмоқда”. Жамиятда жангари ўсмирлар, бир-бирига совуқ қурол ўқталган кимсалар кўпаймоқда. Нега, нима учун?

Бир психолог фарзандга меҳр ва эътибор берилмаслиги келгусида ана шундай ёвуз инсонларнинг пайдо бўлишига олиб келади, деган эди.

Ояти каримада **“Сўнгра ана ўша Кунда, албатта, (сизларга ато этилган барча) неъматлар тўғрисида сўроқ қилинур-сизлар”** (Тақосур сураси, 8-оят) дейилганини асос қилиб, болага оилада ҳар доим ҳам қўл кўтарилмайди. Бу иш гоҳида аччиқланганда беихтиёр содир бўлиши мумкин. Ота-оналар сабри тугаганида, жуда чарчаганида ёки қаттиқ ғазабланганида қўл кўтаришлари кузатилади.

Ота телевизорни ўчиришни қайта-қайта айтса, унинг бу топшириғи бажарилмаса, шунда ўғлини туртиб қолади. Ёки она қизини ноўрин ҳаракатидан огоҳлантириш мақсадида чимчилайди.

Статистик маълумотларга кўра, ўрганган оилаларнинг 25 фоизида болаларни жазолаш ҳафтада бир марта юз берган.

Лекин кўпчилигимиз болаларни уриш тарбияда қўл келади, деб ўйлаймиз. Аслида ундай эмас! Калтаклаш – қисқа вақт таъсир қиладиган ечим. Масалан, уч ёшли бола қўлига урилгач, тезда ўйинчоқларини йиғиштириши мумкин. Аммо у муаммоларнинг ечими куч ишлатиш, жазолаш, деган фикрга келади.

Болани уриш унинг аламзада бўлиб қолишига сабаб бўлади. Калтак еб улғайган бола жоҳил, асабий бўлади.

Калтакланган бола ўз айбини тушуниб етмайди, аксинча, урган кишини айбдор деб билади.

Бундай бола жаҳли чиққанда ўзи ҳам куч ишлатиш йўлига ўтади. Шу тариқа калтак боланинг тарбияли, виждонли бўлишига эмас, балки муштумзўр бўлишига сабаб бўлади.

Гапни тушунадиган бўлиб қолган болага қўл кўтариш яхши эмас.

Ҳали сўзни англамайдиган болага енгилгина пўписа қилиш кифоя.

Боланинг бошига, юзига уриш мумкин эмас. Оловни сув ўчирганидек, ёмон феъл-атворни ҳам яхши амаллар билан муолажа қилиш даркор. Шундай экан, ота-она болани яхши ишларга, одатларга ўргатиши лозим.

Хуллас, бугун ўз жаҳлини жиловлай олмаган ота-она эртага фарзандининг вазмин бўлишидан умид қилмаса ҳам бўлади. Ҳам жамиятга фойдали, ҳам ўзларига дуо олиб келадиган ўғил-қизни тарбиялашни истаса, аввало, жаҳлини тийиши, таълим-тарбия масалаларига масъулият ва эҳтиёткорлик билан ёндашиши лозим. Зеро, ҳадиси шарифда: **“Ғазаб шайтондандир”**, дейилган (Имом Абу Довуд ривояти).

Шаҳзодаҳон АКБАРОВА,
Марҳамат туманидаги 10-мактаб
ўқитувчиси

**ИМОМИ АЪЗАМ АБУ ҲАНИФА
НЎЪМОН ИБН СОБИТ**

МАЗҲАББОШИМИЗНИНГ УСМОН БАТТИЙГА МАКТУБИ

Мазҳаббошимиз, мужҳатид аллома Имоми Аъзам Нўъмон ибн Собит раҳимахуллоҳнинг ушбу ўғитлари Усмон Баттийга қаратилган бўлса-да, улар барча илм толибалари, айниқса, отинойилар учун ҳам ўта муҳимдир. Опа-сингиларимизга ушбу насиҳатлардан фаолиятлари давомида, тарбия жараёнида муҳим қўлланма сифатида фойдаланишларини тавсия этамиз. Зеро, Қуръони каримда эркаклар учун келган амр ва қайтариқлар аёлларга ҳам тегишлидир.

Абу Ҳанифадан Усмон Баттийга! Ассалому алайкум! Мен сен билан бирга ёлғиз Аллоҳга ҳамд айтаман. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир.

Амма баъд:

Сенга Аллоҳдан кўрқишни ва Унга итоатда бўлишни тавсия қиламан. Зеро, Аллоҳ таолонинг ҳисоби ва жазоси бошқа ҳисоб ва жазога ўрин қолдирмайди.

Менга етиб келган мактубингда насиҳатинг ва ғамхўрлигингни тушундим. Мактуб йўллашга туртки бўлган нарса, билишимча, эзгулик ва панду насиҳатга интилишдир. Шундан бўлса керак, мактубингда менинг муржиалардан эканим, “мўмин зол” дейишим сенга етиб борганини ва булар сенга оғир ботганини эслатибсан.

Қасам ичаманки, Аллоҳдан узоқлаштирувчи амални қилганга узр йўқ. Шунингдек, динга киртилган янгилик – бидъатлар ҳидоятга етакловчи амаллардан эмас. Фақат Қуръон келтирган, Пайғамбаримиз алайҳиссалом даъват этган ҳамда одамлар турли фирқаларга бўлиниб кетгунича саҳобалар тутган йўл ҳақ ва тўғри йўлдир. Улардан бошқаси бидъату хурофотдир. Сенга юбораётган мактубимни яхшилаб англаб ол! Билгинки, ушбу мактубим сенга фойда келтиришидан умидим бўлмаганида уни ёзишга ўзимни мажбурламаган бўлар эдим. Ўз ҳақингдаги раъйингдан огоҳ бўл, ичингга шайтон кириб олишидан кўрқ! Аллоҳ бизни Ўз паноҳида асрасин,

шайтонга бўйсунидан эҳтиёт бўл, сенга ва ўзимизга Аллоҳдан Ўз карами билан тавфиқ беришини сўраймиз.

Сенга маълум қиламанки, Аллоҳ таоло Муҳаммад алайҳиссаломни пайғамбар қилиб юборишидан илгари одамлар ширк аҳли эдилар. Аллоҳ уларни Исломга даъват қилиш учун Муҳаммад алайҳиссаломни юборди ва у зот одамларни Аллоҳдан ўзга илоҳ мавжуд эмаслигига, У танҳо ва шериксиз эканига иймон келтириб, Аллоҳнинг амр-буйруқларига иқрор бўлишга даъват қилди.

Исломга кирган банда мўминдир ва у ширкдан холи бўлди. Унинг молию жони дахлсиздир. Унга мусулмонларнинг ҳақхуқуқи берилди. Унинг молига, қонига тажовуз қилиш ҳаром бўлди.

Исломга даъват этилган пайтда уни қабул қилмаган банда кофир, яъни иймонсиз бўлди. Унинг моли ҳам, жони ҳам мусулмонларга ҳалол қилинди. Ундан Исломни қабул қилиши талаб этилди, акс ҳолда, қатл этилиши ёки Аллоҳнинг кўрсатмаси билан жизя бериши айтилди.

Сўнгра аҳли тасдиқлар учун фарзлар буюрилди.

Фарзларни бажариш иймон билан амал бўлди. Шунинг учун Аллоҳ таоло: **“Иймон келтирган ва солиҳ амаллар қилган...”**, **“Ким Аллоҳга иймон келтирса ва солиҳ амал қилса...”** деб буюрди. Ушбу ва уларга ўхшаш оятлар мазмунидан кўриниб ту-



рибдики, амални йўқотган, яъни уни тарк этган банда иймонни йўқотган бўлмайди. Зеро, у иймонга амалсиз эришган. Агар амал қилмаган банда иймонини йўқотган деб ҳисобланганида, у иймон номидан ҳам, унинг ҳурматидан ҳам ажралган бўлур эди. Шунга ўхшаб одамлар иймондан ажралсалар, бу йўқотиш билан улар иймон номидан, ҳурматидан ва ҳуқуқидан чиқиб, ширк давридаги эски ҳолларига қайтиб қолган бўлур эдилар. Иймон ва амалнинг фарқи шундан англашиладики, одамлар иймонда бир-бирларидан фарқ қилмайдилар ва бир-бирларидан афзалликка ҳам эга бўлмайдилар, аммо улар фарзларни бажаришда, яъни амалда бир-бирларидан устун бўлишлари мумкин. Фаришталарнинг ва пайғамбарларнинг дини бирдир. Шунинг учун Аллоҳ таоло амр этади: «(Эй иймон келтирганлар! Аллоҳ) **сизлар учун дин бўйича Нухга буюрган нарсани ва Биз сизга (Муҳаммадга) ваҳий қилган нарсани,** (шунингдек) **Биз Иброҳим, Мусо ва Исога буюрган нарсани – шарият қилди: “Динни барпо қилингиз ва унда фирқа-фирқага бўлинмангиз!”...»** (Шўро сураси, 13-оят).

(Давоми келгуси сонда)

**“Асарлар” китобидан
олинди.**

Ислолда оила мураббияси бўлган аёлнинг оналик масъулияти юсак қадрланади. Бинобарин, наслнинг давоми, келажак авлоднинг яхши тарбия топиб улғайиши учун аёлларнинг таълимига алоҳида аҳамият берилган. Муҳаммад Ақром Надвий “Исломнинг олималари” деган китобида 8000 нафар аёл ровий ва ҳадис ҳофизини зикр қилган.

Умму Дардо

розияллоҳу анҳо

Умму Дардо розияллоҳу анҳо олима, зоҳида ва ибодатга муҳаббатли аёл эди. Эри Абу Дардодан нақлан, баъзан эса шахсан Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўзларидан эшитган ҳадиси шарифларни ривоят қилиб, уларнинг келажак авлодларга етиб боришига васила бўлган. Жуда кўп ҳадис ёдлаган билимли, зукко аёл бўлган ва дунё машаққатлари ҳақида асло қайғурмаган. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг куйидаги ҳадисларини ҳаётини дастур қилиб яшаган:

“Қиёмат кунини мезонда чиройли хулқдан ҳам оғир келадиган ҳеч нарса йўқдир” (Имом Термизий, “Яхшилик” китоби, 62).

Фотима Нисобурия

Хуросон нисосининг (аёлларининг) қудамоси (улуғлари)диндур ва орифот киборидин. Абу Язид Бистомий қуддису сирруҳу анга сано айтибдур ва Зуннун Мисрий андин саволлар қилибдур. Маккада мужовир (муқим) эркандур. Гоҳи Байт ул-Муқаддасга борур эркандур ва яна Маккага қайтур эркандур. Бир кун Зуннун учун нима йиборди. Зуннун қабул қилмадиким, нисвондин (аёлдан) нима қабул қилмоқ мазаллатдур (хўрлик) ва нуқсон. Фотима дедик, дунёда ҳеч сўфий андин яхшироқ ва улуғроқ эмаски, бу сабабни арода кўрмагай. Абу Язид қуддису сирруҳу дебдурки, умрумда бир эр ва бир хотун кўрубмен. Ул хотун Фотимаи Нисобурия эрди, ҳеч мақомдин анга хабар қилмадимки, ул хабар анга аён эмас эди. Машойихдин бири Зуннундин сўрдик, бу тойифадин кимни улуғроқ кўрдунг? Дедик, Маккада бир заифа эрдик, ани Фотимаи Нисобурия дер эрдилар. Куръон маонийси (маъноси) фаҳмида сўзлар айтур эрдик, манга ажиб келур эрди. Умра йўлида икки юз йигирми учда дунёдин ўтти.

Алишер НАВОЙИнинг “Насойимул-муҳаббат мин шамойимул-футувват” асаридан





Меҳринг кучи

Бозордан чиқаётганимда бир аёл кўлимдан тутди. Уни таний олмадим. Онахон кўзларида ёш билан мени бағрига тортди.

– Мени танимадингизми? – деди севинч тўла овозда.

– Минг бор узр! Танимадим, холажон. Лекин кўзимга иссиқ кўриняпсиз.

Шу сўзларни айтаётиб, уч йил олдинги воқеа кўз ўнгимда гавдаланди...

Тобим қочиб, шифохонага тушдим. Палатага кирганимда кўзлари киртайиб қолган қоқсуяк бир жувонга кўзим тушди. Нимжонгина овозда саломлашди.

Аёл касалликдан қандай қийналаётгани кўришиб турса-да, асло менга нолимади. Аксинча, шу ҳолида ҳам нимадир тўқирди. Орада қонсиз лабларини қимирлатиб сўз қотди:

– Опажон, менга қараётган шифокорга жемпер тўқияпман. Кўлимдан келадигани шу... – Сўнг чуқур нафас олиб, сўзида давом этди: – Опа, мен билан бир хонада даволанаётганингизга кўрқмаяпсизми?

Мен унга:

– Аллоҳ хоҳламаса, танамизга тикан ҳам кирмайди, синглим. Сиз бу борада ҳеч нимани ўйламанг... – дедим жилмайиб.

– Раҳмат! Кўнглимни кўтардингиз, – деди у.

Кунлар шу зайлда ўтаверди. У мендан ҳар куни ҳикматли сўзлардан сўзлашимни сўрарди. Сезардимки, кўзлари қувонч ва умиддан порлаётганди. Аёл энди бемалол ўрнидан турар, менга яқин келиб, Аллоҳнинг Каломидан ўқиб беришимни илтимос қиларди.

“Ҳақиқатда сабр этувчиларнинг ажрлари беҳисоб, тўла-тўқис адо этилади” (Зумар сураси, 10-оят).

Бир куни жувоннинг қайнонаси уни кўргани келиб, хайрон қолди. Келинининг тузалаётганидан хурсанд бўлиб, миннатдорлик билдирди.

– Қизим, қилган барча яхши амалларингизни Аллоҳ қабул этсин. Ўғлим келиним-

нинг кундан-кунга яхши томонга ўзгараётганида сизнинг ҳиссангиз катта бўлаётганини айтяпти, – деди.

– Бу Аллоҳнинг иродаси, холажон, – дедим. Ахир Аллоҳ таоло: **“Эй иймон келтирганлар! Сабр ва намоз ила мадад сўранглар. Албатта, Аллоҳ сабрлилар биландир”** (Бақара сураси, 153-оят), демаганми?!

У мени четга тортди ва келинининг ҳаётини сўзлаб берди.

– Ўғлим ва келиним саккиз йил олдин севишиб турмуш қуришган. Уларга ҳаммининг ҳаваси келарди. Нима бўлди-ю, келиним шу касаллик билан оғриб қолди. Шифокорлар умидингни уз, энди дори-дармоннинг фойдаси йўқ, дейишларига қарамай, ўғлим умидини сўндирмади.

Келиннинг ота-онаси қизимизни олиб кетамиз, бошқага уйланинг, дейишибди ҳам. Аммо куёв кўнмабди. “Мен унинг тузалишига ишонаман”, дебди.

У кунда икки марта аёлидан хабар олади. “Сен тузаласан, Худо хоҳласа”, дея киртайган кўзлари билан хотинига тикилади.

Жувон билан ёлғиз қолганда:

– Аллоҳ раҳмли Зот. У ҳеч кимга тоқатидан ташқари юкни юкламайди. Аллоҳдан шифо сўранг! – дедим...

Бозорда мени кучиб олган онаизор ўша аёлнинг қайнонаси эди. Унинг йиғлаши қалбимни остин-устин қилди. Келини вафот этган бўлса керак, деб ўйладим ва секин юзига тикилдим. У эса:

– Келиним соғайиб кетди. Ҳозир хунардандчилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланыпти. Бир қизли бўлишди. Ўша шифохона, сиз билан кечган суҳбатлар келинимда туб бурилиш ясади, – деди.

Бемор аёлини еру кўкка ишонмай, тинмай қаратган ҳақиқий мард инсон, бор-будини фарзандига сарфлаган ота-она, болалик гаштини сура олмаган икки гўдакнинг ҳозирда қанчалар хурсандлигини тасаввур қилиб, ич-ичимдан севиндим.

Меҳригул ШОНАЗАРОВА,
Қизилтепа тумани “Ҳафқориён”
маҳалласи отинойиси



Ният — амалларимиз асоси

Умар ибн Хаттоб розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: **"Албатта, амаллар ниятларга боғлиқдир"**, деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Ниятнинг аҳамияти шундан иборатки, унинг воситасида ибодат фарқлаб олинади. Масалан, масжидда агар дам олиш ниятида ўтирилса, одатий иш бўлади; эътикоф ният қилиб ўтирилса, ибодат бўлади. Ғусл ҳам шундай. Яъни, фақат покланиш ният қилинса – одатий иш; Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш ният қилинса – ибодат.

Ният одат билан ибодат орасини ажратиш баробарида ибодатларни бир-биридан фарқлаш борасида ҳам муҳим вазифани бажаради. Масалан, бир киши тўрт ракат намоз ўқиса, пешин, у намознинг тўрт ракат фарзи ҳам, тўрт ракат суннати ҳам бўлиши мумкин. Ният қай бири мақсад қилинганини тайин этади. Рўза ҳам шунга ўхшаб фарз ҳам, нафл ҳам бўлиши мумкин, қайси бири қасд қилингани ният орқали белгиланади.

Ибн Обидин Ҳанафий раҳимахуллох: "Ният – Аллоҳ таолога тоат, ибодат ва қурбат ҳосил қилишни феъл билан қасд қилиш", деб таърифлаган.

Моликий мазҳаби уламолари ниятга "Мукаллафдан буюрилган иш борасида содир бўладиган қасддир", деб таъриф берганлар.

Баъзи шофеъийлар эса: "Фарз ёки бошқа амалларни бажариш асносида қалбда бўладиган азму қатъиятдир", деганлар.

Ҳанбалий мазҳаби олимларидан Имом Бухутий: "Ният – Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилишни истаб, қалбнинг ибодатни адо этишга азм-қарор қилиши", деган.

Ният фақат қалбда бўлади. Ният Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам оғзаки-ошкора айтишни жорий қилмаган ўринларда махфий айтилаверади. Уламолардан ниятни махфий қилиш мустаҳаб деган маънода қавллар ҳам бор.

Демак, ҳар қандай ҳолатда ҳам ниятларимизни гўзал қилишимиз лозим, чунки у амалларимиз мазмуни ва ижобатига бевосита таъсир қилади.

*Имом Бухорий номидаги
Тошкент ислом институти талабаси
Муҳсина ИСОҚЖОНОВА тайёрлади.*

Аёлларнинг энг яхшиси

"Мўмина аёлларга айтинг, кўзларини (номаҳрам эркакларга тикишдан) тўссинлар ва авратларини (ҳаромдан) сақласинлар! Ҳамда кўриниб тургандан бошқа зеб-зийнатларини (устиларидаги либосларидан бошқа зеб-зийнатларини номаҳрамларга) кўрсатмасинлар ва кўкраklarини рўмоллари билан тўссинлар!.." (Нур сураси, 31-оят.)

Кийим сатри аврат, яъни уятли жойларни яширишда бир зарурат бўлгани учун унга кўнгил бермай, ярашган, оддий, қурби етган кийимлар кийилгани маъқул.

Мўминалар саййидаси, Сарвари коинотимиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг жигарпоралари Фотима розияллоху анҳо аёллар ҳақида бундай деганлар: **"Энг яхши аёл – номаҳрам эркакларнинг хаёлларида кезмаган аёлдир!"**

Аёл-қизлар либослари назар тушганда ўзига тортадиган, турли безакли, ялтироқ, қад-қоматни билдирадиган даражада тор, тери рангини билдирадиган даражада шаффоф бўлмаслиги лозим. Ҳар бир аёл сатри аврат учун яроқли ўзига ярашган либосни киймоғи шарт.

Албатта, аёлларнинг энг яхшиси – ширин сўзини, пардозини ҳамда чиройли либосланишини бегоналар учун, ўқишдагилар, ишдагилар, турли маросимдагилар учун эмас, фақат ўзининг маҳрамлари учун кўрсатадиганидир.

Назиржон ҚўЧҚОРОВ,
*Наманган тумани "Умарбой ҳожи"
жоме масжиди имом-хатиби*





Қизнинг валийси кимлар?

Уларнинг ҳақлари, вазифалари

Абу Ҳотим Музаний розияллоху анху ривоят қилади: «Набий алайҳиссалом: **“Қачон сизга ўзингиз динидан ва хулқидан рози бўлган киши келса, унга (сўраганини) никоҳлаб беринг. Агар шундоқ қилмасангиз, ер юзида фитна ва фасод бўлади»**, дедилар. (Саҳобалар): “Эй Аллоҳнинг Расули, агар унда... бўлса ҳам-а?” дейишди. У зот алайҳиссалом: **“Қачон сизга ўзингиз динидан ва хулқидан рози бўлган киши келса, унга (сўраганини) никоҳлаб беринг”**, деб уч марта такрорладилар» (Имом Термизий ривояти).

Турмуш қуриш, солиҳ фарзандларни дунёга келтириш, уларни тарбиялаб, камол топтириш ҳар бир мусулмоннинг мақсади ва бурчидир. Шу боис эркак ёки аёл турмуш қуришда шошмашошарлик, ўзбошимчалик, бир томонлама ёндашиш каби хатоларга йўл қўймаслиги зарур.

Шариатимизда турмуш қурувчи йигит ёки қизга никоҳга рози бўлиш ёки рад этиш ихтиёри берилган бўлса-да, бу масалада улар ота-она, тажрибали ёши улуғ инсонларга қулоқ солганлари тузук. Ота-оналар эса уларга сидқидилдан ёрдамлашишлари лозим.

Никоҳ суннати муаккададир. Қизнинг валийлари: ота, бобо, туғишган ака-ука, ота бир ака-ука, она бир ака-ука, амаки, она.

Фикҳий китобларимизда бирор қиз валийнинг изнисиз, ўзининг тенги бўлмаган инсонга турмушга чиқмоқчи бўлса, валийлар унга эътироз билдириши ва никоҳни бузишни талаб қилишга ҳақлидир. Бурайда розияллоху анхудан ривоят қилинади: **“Абу Бакр ва Умар Фотимага совчилик қилишди. Шунда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам, у ҳали ёш, дедилар. Кейин унга Али совчилик қилди. Сўнг у зот унга никоҳлаб бердилар”**.

Диндор, туғадиган, турмуш қурмаган, қаноатли оиладан, насаби пок, хуснли, яқин қариндош бўлмаган қиз билан турмуш қуриш энг муносиб танлов ҳисобланади. Шариатимизда нафақат қиз, балки йигитнинг ҳам сифатларига эътибор берилади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Аёлларни хуснлари учун никоҳингизга олманг, эҳтимол, у (хусн) уларни ҳалок қилар. Ва уларни моли учун ҳам никоҳингизга олманг, эҳтимол, у (мол) уларни туғёнга кетказар. Уларни дин учун никоҳингизга олинг. Албатта, қора, хунук диндор чўри афзалдир”**, деб огоҳлантирганлар (Имом Ибн Можжа, Имом Баззор ва Имом Байҳақий ривояти).

Қизга бошқа биров томонидан совчи келмаётганини билиб, сўнг совчи қўйиш лозим. Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинган ҳадисда «Набий алайҳис-



салом: **“Киши ўз биродари совчилиги устига то ундан олдинги совчи тарк қилгунча ёки унга изн бергунча совчи қўймас”**, деб огоҳлантирганлар», дейилади (Бешовлари ривоят қилишган).

Совчи қўйган йигит ўз совчилиги ҳақида бировларга иложи борича ошкора қилмагани маъқул. Чунки ошкор қилиш сабабидан баъзи қийинчилик ва кўнгилхираликлар юзага келиши мумкин.

Турмуш қурмоқчи бўлганлар ўзаро бир-бирини кўриши жоиз. Лекин бу иш шариат белгилаб берган чегарада бўлиши зарур. Муғйра розияллоху анху ривоят қилади: «У киши бир аёлга совчи қўймоқчи бўлганида Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Унга назар сол, чунки бундоқ қилиш иккинчис орангизда бардавомликка керакдир”**, деганлар» (Имом Насоий ва Имом Термизий ривояти).

Маҳрамлардан бирор кишининг ҳозирлигида йигит қизнинг юзига, икки қўлига бир марта назар солса бўлади. Қиз ҳам йигитга худди шундай қараш мумкин.

Қиз куёв билан кўришиш учун пардоз қилиб олмаслиги, атир сепмасдан, табиий ҳолда кўриниши лозим. Икки тараф ҳам ёлғон сўз ва ёлғон кўриниш ишлатмаслиги, қизнинг ҳам, йигитнинг ҳам валийлари уларнинг ёлғиз учрашишларига розилик бермаслиги керак. Валийлар уларга оилавий ҳаётларини ҳаром ишлар билан бошламасликларини тушунтириб, насиҳат қилмоқлари зарур.

Совчи қўйган йигит ва қиз қўл бериб кўришишлари мумкин эмас. Унаштирилган бўлсалар-да, ёлғиз учрашувга чиқмаслик шарт, сафарга чиқиш, “Love story” каби ғарбдан кириб келган одатларни қилишлари шаръан ҳаром саналади.

Оила бошлиқлари ўзаро бир-бирлари ҳақида сўраб суриштирадилар. Шариат меъёрларига мос келадиган совчига ўз розиликларини билдиришади. Ботиний масалаларни эса, Аллоҳ таолога ҳавола этишади. Куёвнинг яхши ёки ёмонлигини ўзи билан гаплашиб билиб олиш ёки суриштириб чиқиш аёлларнинг иши эмас. Бу масала куёвга ҳам тааллуқли. Агар яхши муносиб куёвни валийлар учратган бўлишса, ўз қизларини унга таклиф қилишлари ҳам шаръан рухсат этилган.

Манбалар асосида
Сурайё ИБРОҲИМОВА
тайёрлади.

Жаннат вожиб бўлди

Бир одам Аллоҳ йўлида дўстнинг зиёратига кетаётган эди. Уни синаш учун Аллоҳ таоло бир фариштани туширди. Фаришта ундан сўради:

- Қаёққа кетяпсан?
- Фалончи дўстимни зиёрат қилишга.
- Унинг олдида бир иш билан кетяпсанми?
- Йўқ.
- Сен билан унинг орасида бир қариндошчилик борми?
- Йўқ.
- Унга кўрсатадиган бир яхшилигинг ёки бир эҳсонинг борми?
- Йўқ.
- Ундай бўлса, нега унинг зиёратига кетяпсан?
- Уни Аллоҳ учун яхши кўраман.

- У ҳолда сен ҳам шуни билгинки, мени сенга Аллоҳ таоло жўнатди. Сен у дўстингни яхши кўрганинг учун У Зот ҳам сени яхши кўришини сенга билдиришимни айтди. Жаннатни эса сенга вожиб қилди (Муслим: Яхшилик, 38; Аҳмад ибн Ҳанбал, II, 292, 7919; Байҳақий, Шуабул-иман, XI, 319, 8591; Ибн Абу Шайба, VII, 64, 34223).

“Пулемас ота” жоме масжиди имом-хатиби
Музаффархон АЪЗАМ
тайёрлади.



Ўқинма, болам...

Эндигина кўзи ёриган ёш она кучли ҳаяжонда:

– Чақалоғимни кўрсам бўладими? – деб сўради.

Кучоғига юмшоқ йўргак берилди ва бахтли она чақалоғининг жажжи юзини кўрмоқчи бўлиб, йўргакни кўтарди ва ҳайратга тушганидан тили тутулиб қолди. Она ва чақалоқни кузатиб турган дўхтир шартта орқасига ўгрилиб, деразадан кўчани томоша қила бошлади.

Чақалоқнинг қулоқлари йўқ эди... Боланинг эшитиш қобилияти яхши эди, фақат қулоқ супрачалари йўқлиги ҳуснини бузиб турарди. Орадан йиллар ўтди, бола мактабга чиқди.

Бир куни мактабдан уйга югуриб келди ва ўзини онасининг бағрига отди. Тўлиқиб йиғлар эди. Бу унинг ҳаётидаги биринчи мазахлалиши ва умидсизлиги эди:

– Бир катта бола мени “махлуқ” деди...

Болакай анашукемтиклик билан улғая бошлади. Уни синфдошлари яхши кўрар ва ниҳоятда зеҳни тез ўқувчи эди. Агар синфдошларига араллашиб юганида эди, шубҳасиз, синф сардори бўлар эди.

Аммо онаси ҳар доим унга:

– Ёш болаларнинг орасига аралашмайсан, – деб тайинлар эди.

Айни пайтда онаси қалбида теран бир ачиниш ва шафқатни ҳис қиларди.

Боланинг отаси оила дўхтири билан унинг қулоғи хусусида гаплашди.

– Бирор нарса қилишнинг иложи йўқми? – деб сўради.

Дўхтир:

– Агар бир жуфт қулоқ топишнинг иложи бўлса, уни ўрнатиб тикиб қўярдик, – деди.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: **«Раббнинг розилиги отананинг розилигидадир. Раббнинг норозилиги ота-онанинг норозилигидадир»**, – дедилар» (Имом Термизий ривояти).

Шундан сўнг болага қулоқларини фидо этиши мумкин бўлган бир жавонмардни ахтара бошладилар. Орадан икки йил ўтди. Бир куни отаси:

– Шифохонага борасан, ўғлим, онанг иккаламиз сенга қулоқларини беришга рози бўлган бир одамни топдик. Фақат унинг кимлигини сенга айта олмаймиз, сир, – деди.

Жарроҳлик амалиёти муваффақиятли ўтди ва бутунлай янги бир инсон қиёфаси пайдо бўлди. Янги кўринишидан руҳияти юксалган бола ўқишда ва ижтимоий ҳаётда катта ютуқларни қўлга киритди. Сўнгра уйланди ва кўзга кўринган дипломат бўлди. Орадан йиллар ўтди, бир куни

отасининг олдига кириб:

– Отажон, менга бу қадар катта яхшилик қилган одам ким? Мен унинг яхшилигига ҳеч қандай жавоб қайтара олмаймиз... – деди.

Отаси:

– Бирор нарса қила олишингга кўзим етмайди. Фақат жиддий шартлашганмиз, ҳали унинг кимлигини айта олмайман, вақти етмади... – деб жавоб берди.

Бу сир йиллар давомида сақланди ва бир куни очилиш вақти келди. Бошига мусибат тушиши яқинлашиб, онаизори оғирлашиб қолган кунларда онасининг ҳушсиз танаси бошида отаси билан бирга ўтирган эди. Отаси мулойим ҳаракат билан онасининг бошига қўл чўзди, қахваранг сочларини силаб орқага таради, онасининг қулоқлари йўқ эди. Отаси:

– Нега онажоним уйда ўтирганда ҳам рўмолини бошидан олмайди, сочларига оро бермайди, деб ҳеч ўйламадингми? – дея шивирлади.

Туркчадан
Бинафша ДАМИН қизи
таржимаси



Қора мушук йўлни кесиб ўтиб қолса, ортга қайтиш; нарвоннинг остидан ўтилса, бўсағада турилса, нохушлик юз беради, деган иримлар; бошга тушган қуш ахлати муваффақият келтиради, деб ишонишга ўхшаган кўплаб кенг ёйилган ирим-сирим, ботил хурофотларни ҳаммамиз биламиз. Камига яна автоҳалокатга учраган қуни ўраган рўмолингиз омадсизлик келтирди, деб ўйлаш каби хурофотлар ҳам бор. Балки кўпчилик буларга ишонар, ишонмаганларимиз ҳам улар ҳақида кўп гапларни эштамиз.

Буржлар, фоллар, афсунлар каби қадим ишончларга кўплаб кишилар сафсата деб қарасалар ҳам, айнан ўша кишилар орасида буларнинг баъзиларига ишонадиганлари оз эмас.

Келинг, “Бундай ишончу эътиқодлар қандай шаклланган?” деган саволга бир каптар воситасида жавоб излаб кўрамиз.

Каптарнинг ботил ҳаракатлари

Америкалик руҳиятшунос Буррхус Фредрик Скиннер ўзи ўрнатган экспериментал қурилмада оч қолдирилган каптарга ҳар 30 сонияда биттадан дон бера бошлади. Бирмунча вақт ўтганидан кейин Скиннер каптарнинг донни емасдан ўзини ғалати тутаётганини кўрди. Қуш дон келишидан аввал бир оёғида туриб сакрарди, ўзининг атрофида айланиш каби каптарга ярашмайдиган бемаъни ҳаракатлар қилаётганди. “Тасодифий” ҳаракат натижасида пайдо бўлган ўлжа каптарнинг ўлжа олди-дан бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳаракатларини такрорлашига олиб келди ва “ботил ҳаракатлар” деб аталадиган ҳолатнинг ривожланишига сабаб бўлди. Яъни каптар шу ҳаракатларим натижасида дон кела бошлади, деб ишонаётган эди.

Инсон ҳам каптарга ўхшаб мантиқсиз ҳаракатлар қилаётганингизни англаб етгани яхши. Имтиҳон чоғида “омад келтирувчи” қаламдан фойдаланиш ва шуларга ўхшаган ишончларда ҳеч қандай мантиқ йўқ.

Аммо ботил ишончлар шу йўсинда бир-бирига боғланиб келаверади ва вақт ўтиши билан урфга, одатга айланади. Шунинг учун Пайғамбаримиз алайҳиссалом-



нинг қўйидаги таълимотларига амал қилишимиз ана шундай янглишишларга йўл қўйишимизнинг олдини олади: **“Сизлар менинг ва тўғри йўлда юрувчи, ҳидоят топган халифаларимнинг йўлини тутиб, уни озиқ тишларингиз билан тишлагандек маҳкам ушланглар. Динга янгилик киритишдан сақланинглар, албатта, ҳар қандай бидъат залолатдир”** (Имом Термизий ва Имом Абу Довуд ривояти).

Кўр-кўрона ишонманг, фикр қилинг! Модомики, олдингиздан қора мушук ўтиб қолган бўлса, шунчаки унинг ўша тарафда бир иши бор...

Абдумалик ЖўРАҚУЛ тайёрлади.

Оила – саодат манбаи

Ёшлар нега оила қуришга шошилмаяпти?

Бунинг сабабларидан бири уларнинг моддий жиҳатдан тўлиқ оёққа туриб олишни исташларидир. Ёшлардаги ўзининг бўлажак жуфти билан бирга ота-онасига оғири тушмаслиги учун қилаётган бундай тилагини олқишлаш керак. Аммо ўзини ҳар жиҳатдан қачон тутиб олиши аниқ эмас-ку! Балоғат ёшига етганидан сўнг вақтни кўп ўтказмасидан ўзининг тенгини топиб уйланса, жуфт бўлиб келган келин унинг ёнига кириб, иккаласи турмушнинг аччиқ-чучугини бирга тотиб, оиласини тезроқ ўнглаб олиши мумкин. Зеро, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **“Хотин олинглар, чунки улар бойлик келтиради”** (Имом Баззор ва Хатиб Бағдодий ривояти).

Халқимизда “Уйланмагунча йигитнинг бири икки бўлмайди”, деган ҳикматли ибора бор. “Ўзим аранг кун кўриб турган бўлсам, уйлансам, хотинимни қандай боқаман?” деган кишининг иймонида нуқсон бор ва у гуноҳ гапни айтган бўлади. Чунки Аллоҳ таоло Каломи шарифда: **“Ерда ўрмаловчи бирор нарса (жонзот) йўқки, унинг ризқи (таъминоти) Аллоҳнинг зиммасида**

бўлмаса! (У) унинг қароргоҳини ҳам, оромгоҳини ҳам билур. Ҳаммаси аниқ Китоб (Лавҳул Махфуз)да (ёзилган)дир” (Худ сураси, 6-оят), деб марҳамат қилган.

Шу оятни ўқиб ҳам ризқнинг танглигидан чўчиб оила қурмаслик иймоннинг заифлигига далолат қилмасинми?! Қолаверса, кўпчилик одамлар оила қурганидан кейин бойиб, тақвosi кучайгани, хонадонига файз кирганини кўрмаган киши борми?

Бугунги кунга келиб турли сабабларни ваҳ қилиб оила қуришни пайсалга солиб юриш европалик ёки япон, корейс ёшлари таъсирида юз бераётир. Аммо уларнинг турмуш тарзи бутунлай бошқача. Уларда йил сайин оила институти барбод бўлиб бораётгани; эркак ҳам,

аёл ҳам оила масъулиятини зиммасига олишни истамаётгани ҳақида олимлар бонг уришмоқда.

Бироқ бизнинг миллатимизга бундай ишлар тўғри келмайди. Чунки шариятимизнинг кўрсатмаси шундай: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **“Ҳой йигитлар жамоаси! Сизлардан ким оила харажатларига қодир бўлса, уйлансин. Чунки оила кўзни тиювчи, фаржни (зинодан) сақловчи (омил)**



“Давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратлади”. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасидан.



дир. Ким қодир бўлмаса, рўза тутсин. Чунки рўза шаҳватни синдирувчидир” (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Уйланган кишининг топган-тутганини аёли тежаб-тергаб ишлатиб, оилага барака олиб киришидан ҳамма хабардор. Оила қуришининг яна қандай фойдалари бор?

Ҳиндистонлик олимлар эркак ва аёл яқинлик қилганида уларнинг соғлигига кўп фойда етишини аниқлашди. Жумладан, кучли руҳий сиқилиш барҳам топади ва инсоннинг ҳиссиётлари ва ақлий фаолияти жойига келади; турли касалликларга қарши иммунитет кучаяди, деб ёзмоқда “Meddaily”. Мунтазам яқинлик натижасида вирусларга қарши курашувчи элементларни ишлаб чиқариш кучаяди, уйқусизлик барҳам топади. Шунинг учун врачлар уйқусизликдан азият чекувчи эр-хотинларга ана шу ишга эътибор қаратишни маслаҳат беришади. Ҳафтасига икки марта аёлининг кўнглини олган эркак юрак хуружига учраши эҳтимоли камаяди; яқинлик вақтида эр ва хотинда жуда кўп мушаклар ҳаракатда бўлади; бу вақтда аёлларда эсторген, эркакларда тестотерон ишлаб чиқариш ортади.

Австралиянинг Уилкс университети олимлари буларнинг қаторига нафас олиш йўллари, ошқозон-ичак тизими ва сийдик йўлининг бактериялардан тозаланишини кўшган.

Ҳосили калом, Аллоҳ таолонинг меҳрибонлигини қарангки, оила қуришни бандаларининг хурсандчилиги билан бирга ана шу шодлик замирида оилани Пайғамбар алайҳиссалом уммати, миллатимиз сонини кўпайтиришга хизмат қиладиган фазилатли гўша қилиб қўйган: йигит-қиз оила қурганда бир севинади, ота-она бўлганида бир севинчи икки бўлади, бобо-момо бўлганида яна хурсанд бўлади. Ана шу хурсандчиликларнинг ҳаммаси эркакка аёл туфайли, аёлга эркак туфайли насиб этади.

Дамин ЖУМАҚУЛ

7 МУҲИМ ҚОИДА

Оилангиз билан ушбу 7 та қоидага амал қилишни келишиб олинг ва буларни ҳеч қачон бузмасликка аҳдлашинг:

1. Уйингизда уч нарсани тақиқланг:
 - ғийбатни;
 - баҳслашишни;
 - араз ва гинани.
2. Уйингизда уч нарсага меъёр белгиланг:
 - телефонга;
 - интернетга;
 - телевизорга.
3. Уйингизда уч нарсани давомли қилинг:
 - Қуръон тиловатини;
 - илмий суҳбатни;
 - жамоат бўлиб намоз ўқишни.
4. Уйингизда уч нарсани кўпайтиринг:
 - дуони;
 - зикрни;
 - тавбани.
5. Уйингизда уч нарсани камайтиринг:
 - кўп ейишни;
 - кўп ухлашни;
 - кўп гапиришни.
6. Уйингизда уч нарсага эътиборсиз бўлманг:
 - узр сўрашга;
 - ҳурмат қилишга;
 - ташаккур билдиришга.
7. Уйингизда уч нарсани киргизманг:
 - фоиз;
 - ҳаром ризқ;
 - бировнинг ҳақи.



Ғам-андуҳни кетказишнинг

27 йўли

(Бошланиши ўтган сонларда.)

Саккизинчи йўл. Солиҳ амаллар.

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **“Эркагу аёл, ким мўмин ҳолида яхши амал қилса, Биз унга яхши ҳаёт кечиртирамиз ва, албатта, уларни қилиб юрган амалларининг энг гўзалига бериладиган ажр ила мукофотлармиз”** (Наҳл сураси, 97-оят). Уламолар ушбу оятни: “Аллоҳ таоло иймон билан солиҳ амал орасини жамлаган кишига бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхши ҳаёт ва мукофот ваъда қилмоқда”, деб тафсир қилишган.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо, **“яхши ҳаёт”** бу – саодат, деган. Ибн Касир раҳимахуллоҳ эса, **“яхши ҳаёт”** ўз ичига роҳатнинг барча турини олади, деб айтган.

Уламолар ғор эгалари қиссаси ҳақида бундай дейдилар: “Ғор эгалари қиссаси солиҳ амаллар ғам-андуҳни кетказиши, қийинчиликдан чиқиш, дунё ва охират машаққатларидан офиятда бўлишга энг катта сабаб эканига далилдир”.

Тўққизинчи йўл. Истиғфор.

Ағорри Музаний розияллоҳу анҳу айтишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Қалбимда бир ғашлик пайдо бўлади. Мен Аллоҳ таолога бир кунда юз мартаба истиғфор айтаман”**, деганлар (Имом Муслим ривояти).

Ибн Асимин раҳимахуллоҳ бундай дейди: «Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг **“Қалбимда бир ғашлик пайдо бўлади”** сўзлари бизга у кишидаги сиқилиш, ғам чекиш

каби нарсалар ҳақида баён қилмоқда. **“Мен Аллоҳ таолога бир кунда юз мартаба истиғфор айтаман”**. Ушбу жумла аввалгию охирги гуноҳлари кечирилган бўлишига қарамай, кунига юз марта истиғфор айтувчи Набий алайҳиссаломнинг сўзларидир».

Ўнинчи йўл. Дуо.

“Бисмиллаҳиллазий лаа язурру маъасмиҳи шай’ун фил арзи ва лаа фис самааи ва ҳувас самиъул ғалийм”ни ҳар тонгда уч мартадан айтиш керак.

Абон ибн Усмон раҳимахуллоҳ бундай дейди: «Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг бундай деганини эшитдим: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни бундай деганларини эшитдим: **“Бисмиллаҳиллазий лаа язурру маъасмиҳи шай’ун фил арзи ва лаа фис самааи ва ҳувас самиъул ғалийм”ни уч марта айтса, тонг отгунга қадар кутилмаганда келадиган балодан омонда бўлади. Ким уни тонг отганда уч марта айтса, кечга қадар кутилмаганда келадиган балога учрамайди”**».

Абон ибн Усмон раҳимахуллоҳ фалаж бўлиб қолди. У зотдан юқоридаги ҳадисни эшитган киши унга термула бошлади. Абон ҳалиги одамга: “Нима учун менга қараяпсан? Аллоҳга қасам, Усмон ибн Аффон борасида, Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу эса Пайғамбаримиз алайҳиссалом бораларида ёлғон гапирган эмас. Лекин менга бугун етган нарса етиб бўлди. Ғазаблангандим, дуони айтишни унутибман”, деди (Имом Термизий ривояти).

Юлдуз КОМИЛОВА таржимаси



Ҳар ишда ҳикмат бор

Кеча ишдан қайтаётсам, маҳалламизда жойлашган мебель цехида ёнғин чиқибди. Тумонат одам. Қора тутун осмонни қоплаган. Олов ичида қолган тунука том қип-қизил чўғ.

Олтита ўч ўчириш машинаси тилсиз ёв билан курашди ва ярим соатга бормаи, гуриллаб ёнаётган гулханни ўчиришди.

Уйгача “Цех эгаси бирон ишчисининг дилини оғритдимикан ё харидорнинг ҳақини “еб” қўйдимикан ёки закот бермадимикан?!” деб ўйлаб бордим. Зеро, Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **«Биз сизларни ёмонлик билан ҳам, яхшилик билан ҳам синаб, имтиҳон қилурмиз. (Кейин) Бизнинг ҳузуримизгагина қайтарилурсиз»** (Анбиё сураси, 35-оят).

Тўсатдан келадиган балодан Аллоҳ асра-син! Эҳтимол, бу бир синовдир. Чунки ояти каримада: **«(Эй инсонлар!) Сизларга не мусибат етса, бас, ўз қўлларингиз қилган нарса (гуноҳ) сабаблидир. Яна У кўп (гуноҳлар)ни афв этиб турур. (Акс ҳолда мусибат бундан ҳам кўп бўлур эди.)»** (Шўро сура-си, 30-оят), деб хабар қилинган.

Хуллас, бу фалокатнинг ҳикмати Аллоҳгагина аён. Биз эса ибрат олгувчимиз. Ўзи икки дунё оловидан паноҳ берсин!..

Уйга кирсам, ёнғин сабаб бўлганми, чироқ ўчиб қолибди. Ишдан қайтганимда бироз чўзиладиган одатим бор. Шундай пайтда, ростини айтсам, телефонимдан кўз узмайман. Ижтимоий тармоқларга кириб, қандай янгиликлар борлиги билан танишаман.

Бахтга қарши қўл телефонимнинг қуввати тугаб қолганди. Электр йўқлиги боис уни ёқолмадим. Шунинг учун чироқ ёнишини кутиб хаёл суриб ётдим.

Бир маҳал 12 ёшли қизим:

– Бунча яхши! – ёнимга яқинлашди. Ажабланиб:

– Нима яхши?! – дедим.

– Телефонсиз... дам олиш!

Бошимга гурзи билан ургандек бўлди. Суйкалиб келиб аллақачон бағримга ётиб олган 2 ёшли ўғлимни ва қизимни аста қучоқладим.

Ахир, улар мендан меҳр исташар экан-ку! Мен бўлса, асло эътибор бермаган эканман. Ишдан келибоқ, остонада уларни бир ўпиб қўйиб, шу билан телефонга берилиб кетарканман. (Аксарият ота-оналар шу аҳволга тушиб қолганимизни тан олайлик!) Айтмоқчи бўлганим шу эди. Бу фожиа эмасми?..

Ё Раббий, бизни кечир!



Шу матоҳни деб ўртадан меҳр-оқибат кўтарилди. Яқинларимизга эътибор у ёқда турсин, ҳатто ўзимизга ҳам яхшилик қилма-япмиз, аксинча, ёмонлик қиялпмиз: вақтимизни беҳуда совуряпмиз, кераксиз гап-сўзларга чалғияпмиз, оқибатда телефонга қараб умр ўтиб кетяпти. Ота-онамиз, жуфтими-з, болаларимиз юзимизга термулади, биз эса бир парча матоҳга... Шунинг ўрнига Аллоҳнинг Китоби – Қуръон бўлса, қанийди!..

“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳдан кўрқинглар ва (ҳар бир) жон (эгаси) эртанги кун (қиёмат) учун нимани (қандай амални) тақдим этганига қарасин! Аллоҳдан кўрқинглар! Албатта, Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир” (Ҳашр сура-си, 18-оят).

Зухра АБДУЛЛАЖОН қизи

Ахмад Лутфий ҚОЗОНЧИ

Ўгай она



(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

Ҳамма ўгай инсонлар ҳам болаларга зулм қилишдан завқ олмаса керак деб ўзини овутишни истайди. Мингтадан битта бўлса ҳам яхшиси учраб, болаларнинг чеҳраси очилиб қолар дея умид қилади. Охири: “Нега бекорчи хаёл, беҳуда ўй сураман. Яхши ўгай она менинг болаларимни кутиб турибдими?” деб яна ғуссаси ортади.

Тўйга бир ҳафта қолди. Чигал ўйлар қуршовида кун сайин Одилбекнинг умиди узилиб борди. Уйланишни истаганига пушаймон бўлди. Тўйга тайёргарлик кўрилмаган, сўз бермаган бўлсайди, шу кўйи бўйдоқ ўтишга рози эди. Оҳ, қарши тарафдан қайтиш таклифи келсайди, тўй зарарини тўлаб, барча алоқани тўхтатган бўларди. Аксига олиб, у тарафдан бундай садо йўқ эди.

Кунлар шундай ўйлар билан ўтди. Хотинининг бир йил аввал вафот этгани сабаби билан чолғули-солғули тўй қилмоқчи эмас. Фақат келин келган оқшом дўстлари билан бир таом еб, ўтириш қилмоқчи – мавлуд, маснавий ўқитмоқчи. Қиз тарафга ҳам бу таклиф маъқул бўлди.

Бир кеча аввал... Эртасига келин келиши керак. Тўғрироғи, балки очикроғини айтиш керак бўлса, болаларнинг ҳаётида онасизлик даври тугаб, ўгай она даври бошланади. Бу кеча тўйиб-тўйиб яхши кўриб қоладиган кечасидир. Бозордан келтирган бир халтачани узатаркан:

– Нима олиб келдингиз менга, ота? – деган болаларига ичи зирқираб қаради. Энди бундай нарсаларни фақат ўгай она розилиги билан келтиришини ўйлаб кўнгли бузилди. Гўё айрилмоқ учун хайр-

лашаётгандай уларнинг гул юзларидан ҳидлаб-ҳидлаб ўпди. Халтачаларни очди. Писта, қандлар, ўйинчоқлар... қандларни едирди. Ўйинчоқларни берди.

– Қани, болаларим булар билан ўйнанг, мен намозимни ўқийин! – деди. Намоздан сўнг сув иситди, ювинтирди, сочларини таради, уст-бошини кийдирди. Кечгача уларни ўйнатди. Уйқулари келиши билан ухлатди. Ўзи ҳам ёнларига чўзилди. Етимларини ҳидлаб-ҳидлаб кўзларини юмди. Ухлади... Тун ярмида даҳшат ичра уйғонди. Қаради. Болалари пиш-пиш ухлашмоқда. Кўргани туш эканига шукр қилди.

Тушида Ҳусайин оч қолганмиш, ўгай онасидан овқат сўраганмиш, у эса:

– Ҳозир овқатланадиган вақт эмас!.. – дермиш ва овқат бермаганмиш. Бироздан кейин бола такрор сўраса:

– Заққум е. Ҳаммамиз очмиз. Кутсанг, ўласанми?! – деб озор берармиш. Бу сўз Ҳусайиндан зиёд Одилбекка ёмон таъсир қилиб:

– Хоним, бола-ку бу, бироз овқат берсангиз бўлмайдими деса:

– Унинг тарбияси менга оид экан, ишимни қийинлаштиришга не ҳожат? Оғзига икки уриш ўрнига овқат тутиш керакми? Бугун индамасанг, эртага бошимга чиқади. Нимаси бола бунинг? Кўрмайсанми, ҳар нарсага ақли етади деб, Ҳусайинга шундай бир ғазабли қараш қилганмишки...

Одилбек бу туш эртага ҳақиқатга айланажagini ўйлаб ўртанди. Пешонасини силаркан, кўрқувдан совуқ тер пайдо бўлганини сизди. Бу терлар туш таъсири ва виждон мухосабасига оид эди.

Бу орада Одила уйқу аралаш қўлларини узатгандай бўлди:



– Она, сув... – деди. Одилбек туриб, сув келтирди. Лекин қизи яна яхшигина ухларди.

Уйғотмоққа кўзи қиймади. Пиёлани қўл етадиган жойга қўйди, уйғониб, сув ичгиси келиши мумкин. Болалари ёнига узалди. Бирпас болаларининг нафас олишини тинглаб ётди, ҳатто Одиланинг сув сўрашини кутди ва секин-секин уйқуга кетганини билмай қолди.

Бомдодни ўқигач, ётмади. Болаларининг уйғонишини кутди. Овқатларини ҳозирлади. Уйғонгилари келмасди. Уйғонмасликка ҳақлари бор, бундай роҳат яна қачон насиб, ким билсин.. ўйлади Одилбек. Яна кутмоқчийди... Қариндошлари келиб қолишлари керак. Нима бўлганда ҳам тўй, бир йил орзиқиб кутилган она уйга роҳат, хузур келтирмоқ учун ташриф этади.

* * *

Фотиманинг уйдан айрилиши қийин бўлди. Тўй яқинлашгани сайин изтиробни ҳам ортиб борди.

Бу маҳзунлик тотув турмуш кечирш-кечирмаслик хавотиридан кўпроқ ота-онадан алоҳида яшаш, улардан ажраш туйғуси эди.

Фотима ўзига тасалли бериш учун ҳаракат қилди. Ҳар бўй етган қизнинг бошида турмушга чиқишдан бошқа чора йўқлигини ўйлади. Умрининг охиригача ота уйида қололмаслигини бу ўйга улади. Икки етимга оналик қилишини ва бу билан савоб қозонишини хотирига келтирди. Улар билан машғул бўлиб вақт қандай ўтганини билмай қолишини, бу мутлақо айрилиқ бўлмай, истаган пайтда қизлик уйидагиларини кўриб кета олишини тушунса-да, бу маҳзунликка монелик қилолмади. Ниҳоят тўй, онаси билан бирга сўнг бор овқатланаётганини ўйлагач, таом томоғидан ўтмади. Кўзлари ёшга тўлди. Отасининг қисташига қарамасдан овқат еёлмаслигини айтди ва емади. Шошилишч юришлар, келиб-кетишлар, ўринли-ўринсиз бақириб-чақиритишлар ва шунга ўхшаш ҳодисалар билан бир неча соат ўтди. Бу соатлар Фотимага узунмиди ёки қисқа? Буни Фотима билолмасди.

Фақат эшикка машина келишини кутиб турган болалар такси узоқдан кўриниши билан:

– Келишмоқда... – дея бақиритиб, у томон югурди. Фотима кўнглида ғалати кечинмалар пайдо бўлаётганини, тиззалари мажолсизланаётганини ҳис қилди. Бироздан сўнг ёнига икки аёл келди. Бу орада ташқаридан “Омин” овозлари келди. Қўллар дуога очилди. Дуоларни эшитмас, фақат “омин” деганлари қулоғига чалинардди. Сўнг яна жимлик.

У ҳам қўлларини кўтарди. Ўз ризолиги билан шу турмушни танлаганини кўнги таржимони бўлган тиллари енгилгина қимирлаб англатар, кўзларидан оққан инжулар упа-эликка эҳтиёжсиз гул юзидан сирғалиб кўксига гўзал бир ҳолда томчилаб тушарди:

– Раббим, сабр бер. Хайрли оқибат ато қил. Етимларимга зулм етмоқдан, золимликдан, уларнинг ҳаққига хиёнат қилмоқдан Ўзингга сиғинурман. Парвардигор, номус билан яшамоқни, хайрли зурриётларни, болаларим ўртасида адолатга риоят етмоқни насиб айла, ё Роббил аълабийн! Сендан сиҳат-саломатлик, офият, хусни хулқ тилайман, динимга, ибодатимга лойиқ куч-қувват сўрайман. Ҳузурингга уяладиган ҳолда бормоқдан Ўзинг асра, Ҳабибинг ҳурмати...

Бу орада ташқаридан дуо сўнгига етганини билдиргувчи «Фотиҳа саловат!» деган овозлар эшитилди ва Фотиманинг қўллари ҳам юзларига сурилди. Кейин холасининг қизи қўлларидан тутганча, тўйга келган кексаларнинг, қариндошларининг қўлларини ўптди.

Пастки боғчада ота-онаси, тоғаси, амакиси бир қатор туришарди. Улар билан хайрлашди. Олдинда гўзал жилди ва муқовали Қуръони каримни тутиб кетаётган аёл изидан юриб ёнидаги аёллар билан бирга таксига ўтирди.

(Давоми келгуси сонда.)

Йўлдош ЭШБЕК таржимаси



Микротўлқинли печ таъсири

Микротўлқинли печдан узоқ вақт мобайнида фойдаланиш инсон соғлиғига салбий таъсир қилади. Россиялик олимлар бундай печларда озик-овқатнинг озукавий қиймати 80 фоизга камайишини аниқлашди. Бу эса қон таркибда гемоглобин камайиб, оқ қон ҳужайралари сони кўпайишига олиб келади. Бундай печда иситилган сутнинг таркиби ўзгариб кетади.

Микротўлқинли печга ҳеч қачон пластик ва металл идишни қўя кўрманг. Иссиқликка бардошли қалин шиша идишлардан фойдаланинг.

Суяқликни қиздиришда эҳтиёт бўлиш, болаларнинг овқатини унда иситмаслик ва тухум каби ёрилиши мумкин бўлган таомларни печга қўймаслик керак.

Микротўлқинли печни тез-тез тозалаб туриш зарур. Ундаги турли доғ ва ёқимсиз ҳидларни сувга солинган лимон бўлақларини қайнатиш орқали кетказиш мумкин.

Микротўлқинли печнинг салбий таъсири тез орада сезилмайди, аммо у танада 15–20 йилда тўпланиб, кейин турли оғир касалликлар кўринишида зоҳир бўлади.

Р. АБДУҒОФУРОВА тайёрлади.

Шитиқо

Менга илму ижод бахтин бергансан,
Қодир Аллоҳ, илҳомимдан айирма.
Мен розиман, майли, қилсанг камдан-кам,
Фақат нури иймонимдан айирма.
Ғам юборсанг, синов билиб сабр этдим,
Дард чекканда ажр истаб бош эгдим.
Юрагимга умид ниҳолин эгдим,
Ишонч отлиғ сарбонимдан айирма.
Дунёларни кездим, билдим, Ватан тоқ,
Фақат шу юрт – ўз уйимда вақтим чоғ.
Кўзларимга тўтиёдир шу тупроқ,
Она юртим – маконимдан айирма.
Қайга юрсам, фарзанд меҳри йўлдошим,
Соғинганда юзим ювар кўз ёшим.
Улар билан тобланади бардошим,
Зурриётим – мағзи жонимдан айирма.
Қўлимга бир Китоб бердинг – мисли жон,
Тизгини йўқ ўйларимга у посбон.
Минг шукрки, қалбимдадир шу Қуръон,
Суянчиғим – Қуръонимдан айирма.
Хитоб этдинг: “Бандам, сўра, бергайман”,
То тирикман, умид гулин тергайман.
Ҳузурингга оқ юз билан борай ман –
Буюк орзу-армонимдан айирма.

Тилларин тиймайдилар

Қайга борсам, кўзу қош бирлан мени имлайдилар,
Шундоғам озурда қалбим доғини тирнайдилар.
Қайғули дамда қочарлар, тош отарлар беаёв,
Шодмонлик кунда дийдам олдида қийнайдилар.
Мисли қарға, чарх урарлар бободехқон бошида,
Тушса ерга бир уруғ, кўкартмайин ямлайдилар.
Зебу зийнат, нафсу роҳат домига банда бўлиб,
Охиратни ўйламай, дунё молин ғамлайдилар.
“Бу аёл тинмас нечук?” деб ғийбатимдан чарчамас,
Ишқ билмас дарди йўқлар ҳолима қўймайдилар.
Бесуяк тил бирла озор етказиб ҳар бандага,
Бошга офат бўлса ҳам, ҳеч тилларин тиймайдилар.
Бир ёмонни кўрганда таниймиз юз яхшини,
То ёмонни кўрмайин дўст қадрини билмайдилар.
Эй Дилором, яхшилик қилгин ёмонга, истасанг –
Рўзи маҳшар саҳнида гар сани сийлайдилар.

Дилором КАРИМОВА

